

# Рўзанинг самараси тақводир

Мусулмон киши Рамазон ойида кундузлари таомга, ичимликка яқинлашмайди, шаҳвоний ҳирсини жиловлади ва Аллоҳ таолони норизо қиласиган барча амаллардан ўзини тийишга ҳаракат қиласди.

Аллоҳ таоло Куръони каримда бундай марҳамат қилган: “Эй иймон келтирганлар!

**Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз”**  
*(Бақара сураси, 183-оят).*

Рамазон ойи ва рўзанинг яна бир самараси, бу - сабрдир. Мусулмон киши ушбу муборак ойда Аллоҳ учун машақат ва қийинчиликларга чидайди. Аллоҳнинг ризоси йўлида нафси ни енгишга ҳаракат қиласди.

Рамазон тарбия оидир. Унда мусулмон киши шаҳватидан тийилади, ҳавоий нафсини жиловлади. Рамазоннинг кундузларида мубоҳ нарсаларнинг ман этилиши, тунларида рухсат берилиши, тонг отгач, яна ман этилиши мусулмон киши учун Аллоҳнинг буйруқларига итоат қилиш қобилиятини мустахкамлайди.

Бу ойнинг фазилатларидан яна бири шуки, Аллоҳ таоло касал ёки мусоғир кишилар, ҳомиладор ёки эмизикли аёллар, рўза тута олмайдиган қарияларга рўза тутмасликка рух-

сат бериб, бундай марҳамат қилган: “Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноги бошқа кунлардандир. Мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир...” дейилган (*Бақара сураси, 184-оят*).

Рўза тутса, касаллиги кучайишидан қўрқкан бемор, рўза тутмайди. Сафардаги кишига рўзаси зарар қилмаса, рўза тутгани афзал. Лекин рўза тутмаса, гуноҳкор бўлмайди.

Ўзи ёки бола (ҳомила)сига зарар этишидан қўрқкан эмизикли ёки ҳомиладор аёл ҳам рўза тутмайди. Рўза ўзига ёки боласига зарар қилмайдиган эмизикли ва ҳомиладор аёллар, албатта, рўзани қолдирмай тутадилар. Юқорида саналган узрли кишиларнинг барчаси Рамазондан кейин имкон бўлиши билан қолиб кетган кунларнинг рўзасини тутишлар лозим.

Ҳайз ва нифос қўрган аёллар ҳам узрли кунларида рўза тутмайдилар. Пок бўлишлари билан рўзани тута бошлайдилар. Муборак ойда тутолмаган кунларини Рамазондан кейин тутиб беришади.

**Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ,**  
*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринbosари*



# ЖАНЖАТ йўли

Улуғ алломалардан бирининг: “Ўз ҳолимдан хабар берсам: китобларни мутолаа қилишдан асло тўймайман ва агар ҳали ўқимаган бирон китобни қўриб қолсан, ўзимни худди хазина ичига тушиб қолгандай ҳис этаман”, деган сўзларида у зотнинг китобга муҳаббати кучли бўлганини англаймиз.

Қадимда Ироқда кимки бирон илмий китобни араб тилига ўгиришга қодир бўлса, унга қалам ҳақи сифатида ўша китобнинг вазнича тилла тўланган. Бундан мақсад, албатта, китоблар тилладан ҳам афзал эканини билдириш эди.

Маълумки, китобхон нутқи, фаросати ва кенг дунёқарashi билан бошқалардан ажralиб туради. Чунки мутолаа кишининг ҳар томонлама етук бўлишига хизмат қиласди. Ҳатто саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Европа олимларининг тадқиқотларига кўра, тушкунликдан чиқишида энг яхши ва тез таъсир қилувчи усул берилиб китоб ўқишидир. “Олти дақиқа яхши китобни мутолаа қилиш асабийлашишга барҳам бериб, ғам-ғуссаларни аритади”, дейди мутахассислар.

Афсуски, шиддат билан ривожланиб бораётган техника ва технология аслида фарзандларимиз асосий вақтни телефон ёки монитор қаршисида бефойда ўтказишмоқда. Баъзилари ҳатто охирги марта қачон китоб ўқиганини эслайлайди ҳам. Бунда фарзандларимизни айблаш ноўрин. Аввало, ота-оналарнинг ўзлари бу ишда уларга ўрнак бўлишлари лозим.

Яқин-яқингача ота-боболаримиз кечалари китобхонлик давраларини уюшти-

ришган, оила аъзолари билан йиғилиб, китоблар ўқишиган. Турли асарлар ҳақида муҳокама ва мулоҳазалар билдирган. Шу удум оиласизда ҳам бор эди. Раҳматли бобом жуда илмли, ўқимишли инсон эди. Ҳар жума оиласизда китоб совға қиласди. Ҳафта охирида ўқилган китоблар бўйича мусобақа ўтказардик. Китобдан олган хуласаларимизни ёзиб, оила аъзоларимизга ўқиб берардик. Ғолибга мукофот – ўзи хоҳлаётган нарсасини олиб бериш эди. Бобом қизларнинг китоб ўқишига кўпроқ эътибор берарди.

У киши бизга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

*“Ким илм талаб қилиш ўйлани тутса, Аллоҳ таоло унга жанснат ўйлани осон қилиб қўяди”* деган ҳадисларини кўп такрорларди (Имом Муслим ривояти). “Аёл илм олиши шарт, чунки у илмли бўлса, фарзандлар, демак, жамият илмли бўлади”, деб уқтиради.

Қисқаси, агар хоҳиш бўлса, албатта, имконият топилади. Китоб ўқишини ёмон кўрадиган бола йўқ, биз ота-оналар уларни қизиқтира олишимиз ва албатта, ўзимиз ўрнак бўлишимиз лозим. Бунинг учун улар билан китоб дўйконига бирга бориш, ёшига мос, ўзи қизиқсан китобини олиб бериш зарур. Фарзандингиз ўзи учун китобни ўзи танласин. Бу ҳам унинг мустақил фикрлашини шакллантиради. Ҳар бир ўқиган китоби учун рағбатлантириб бориш керак. Шу зайлда фарзандингизнинг китоб мутолаасига меҳри ортиб, келажакда яхши инсон – олиму уламо бўлиб етишади, иншоаллоҳ.

**Робияхон ТОҲИРОВА**





# Мундашықса

Рўзанинг самараси тақводир.....	1
Жаннат йўли .....	2
“Хадичаи Кубро” янги бинода .....	4
Аёллар гувоҳликка ўтишлари жоиз .....	6
Рўзаси очиладими, йўқми? .....	8
Юсуф ибн Холидга насиҳатлар.....	10
Нифос. Истиҳоза. Поклик турлари .....	12
Энг кўп ейиладиган “гўшт” .....	13
Фитр садақасини кимлар беради?.....	14
Рўза оз, савоби кўп.	
Аёллар бебеҳра қолмасин... .....	15
Аллоҳга севимли, тилга енгил, тарозуда оғир... .....	16
Ғам-андуҳни кетказишнинг 27 йўли.....	17
Саҳоба Жулайбибнинг аёли .....	18
Селфининг таъсири жуда ёмон.....	20
Аза машмашаси .....	21
O'n yil xizmat qilib, yuz yil yashadi.....	22
Покиза аёллар .....	23
Келинглар, “Оқ терак...” ўйнаймиз! .....	24
Бидъатларга одатланмайлик .....	25
Ўгай она .....	26
Эътиқодга тажовуз .....	28
Маҳрингиз нима эди? .....	30
Гуноҳларга каффорат амал.....	31
Баракали таом тайёрлаш .....	32





# “Хадичаи Кубро” ЯНГИ БИНОДА

“Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси  
мудираси Нозима ИБРАГИМОВА билан сұхбат

- *Ассалому алайкум! Дуолар ижобат бўладиган, гуноҳлар кечириладиган, мақому даражалар кўтариладиган, чексиз савоблар ёзиладиган, файзу баракасининг чеки йўқ, мўминни хурсанд қиласидиган, мағфират ойи – моҳи Рамазон барчамизга муборак бўлсин! Сұхбатимиизни жорий йилда Рамазонга туҳфа ўлароқ “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси ихтиёрига топширилган янги бино, ундаги шарт-шароит ва қулайликлардан бошласак...*

- Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотух! Банданинг ўтган гуноҳлари мағфират қилиниши Аллоҳнинг улуғ марҳаматидир. Бу марҳаматга банда Рамазон рӯзасини тутиб эришиши мумкин. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: *“Бу ойнинг аввали раҳмат, ўртаси мағфират, охири эса дўзахдан нажотдир”* (Имом Байҳақий ривояти), деб марҳамат қилганлар. Айни Аллоҳнинг раҳмати жўш уриб турган дамларда тавфиқ, мағфират, икки олам саодатини Ўзидан ўтиниб сўраймиз.

“Хадичаи Кубро” мадрасаси Учтепа туманининг Ўрикзор даҳасидаги “Абу Ҳанифа” масжидининг ёндош биносида қарийб 12 йил фаолият юритди.

2017 йилдан бошлаб мадрасамиз фақат коллеж, лицей ва 11-синфни битирган қизларни ўқишига қабул қила бошлади.

2019 йил мадраса З йиллик таълим тизимиға ўтказилди. Ўтган йили З йил таълим олган дастлабки 56 нафар битирувчиларни катта ҳаётга кузатдик.

Давлат таълим стандартлари асосида умумтаълим фанлари билан мутахассисликка доир махсус фанлар сони қўпайтирилди.

З йиллик таълим тизимиға ўтилганидан кейин мадраса қошида З ойлик “Куръони карим ва тажвид” курслари ташкил этилди. Ҳар ойда 60 нафар ўқувчи ушбу курсларга қабул қилинади.

Мадраса биноси ўқувчиларга тор бўлиб қолгани боис Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбариятига янги бино сўраб мурожаат этдик. Жорий йилнинг 5 январидан бошлаб ҳомийлар ёрдами билан янги бино Олмазор тумани Қорасарой маҳалласи Файзибаланд кўчаси 1-йуда фаолият юрита бошладик.





Иш кўлами кенгайган сари эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Авваллари маънавий-маърифий ишлар бўйича бир ўринбосар бўлса, ҳозирда ёшлар ишлари ҳамда ўқув ишлари бўйича алоҳида-алоҳида бўлимлар очилди.

Битиравчиларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Мутахассислик асосан “ўрта маҳсус араб тили маълумотига эга исломшунос ва отинойи” бўлгани боис битиравчилар доимий яшаш манзилларидағи отинойиларга ёрдамчи сифатида тақсимот қилинмоқда. Шу билан бирга, битиравчиларимиз Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг олий диний таълим муассасалари – Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, “Ҳадис” илми олий мактаби ва Бухоро шаҳридаги “Мир Араб” олий диний муассасасида таълим олишни давом эттиromoқдалар.

Битиравчиларга таълимнинг кейинги босқич имтиҳонларига тайёрланишларида ҳам бевосита ёрдам берилади. Бунинг учун тўгараклар жорий этилган бўлиб, талабаларимиз кириш имтиҳонларига алоқадор фанлардан ўз билимларини пухталашлари мумкин. Курсларда дастлаб қизларимизни фан олимпиадаларига тайёрлаймиз. Мадрасамизда ички олимпиада ўтказилади. Голиб талаба ўрта маҳсус таълим муассасалари ўртасидаги фан олимпиадаларига юборилади.

Республика фан олимпиадасида иштирок этган талабамиз Тошкент ислом институтига имтиёз асосида ўқишига киради.

Айни кунда билим юртида фикҳ, хадис, араб тили ва балоғат ҳамда ақоид фанларидан Ибрагимова Сурайё, Маҳмудова Дилдора, Аҳмедова Муаттар, Муҳаммадхўжаева Санобар каби малакали устозлар дарс беришмоқда.

**- Ушбу таълим муассасасини олий таълим даргоҳига айлантириши таклифи билан мурожсаат этганмисиз?**

– Албатта, ушбу таклиф билан юқори ташкилотларга мурожсаат этганмиз. Лекин биздаги ўқитувчилар таркиби олий таълим

лойиҳаси талабларига жавоб бермади. Шу сабабли ҳозирда таълим муассасамиз муаллималари магистратура ва докторантура йўналишларида таълим олмоқдалар. Мақсадимиз рўёбга чиқади деган умиддамиз.

**- Мадраса олий таълим муассасасига айлантирилса, З ийллик таълим тизимида қолдириладими?**

– Олий таълим даргоҳига айлантирилса, 4 ийллик ўқув тизимиға ўтказилади, албатта. Ҳозирда эса қизларимизнинг турмушга чиқишилари ва фарзандли бўлишларини инобатга олиб, З ийллик таълим шаклига ўтилган.

Янги бинода янги шароитлар муҳайё этилган. Синф хоналари кўп, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Қулай шароитлар мужассам.

Таъкидлаш жоиз, таълим муассасамизга талаб жуда юқори. Ҳар йили жуда кўп абитуриент ҳужжат топширади. Фақат 20 нафарини имтиҳонлар асосида қабул қиласиз оламиз. Тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади. Имтиҳонлар мактаб дарслеклари асосида тузилган тестлардан иборат бўлиб, инглиз тили, тарих ва маънавият-маърифат фанлари бўйича ўтказилади.

Мадрасамизга талabalар республика миқёсида қабул қилинади. Шунинг учун ётоқхонага эҳтиёж катта. Кўп йиллардан бўён асосий муаммоларимиздан бири ҳам ётоқхона масаласи эди. Ўрикзор даҳасидағи ётоқхонамиз 26 ўринли бўлиб, биринчи навбатда кам таъминланган ва ногиронлиги бор, бокувчисини йўқотган оила фарзандларини жойлаштирадик.

Ҳозир янги манзилдаги ётоқхонамиз 50 ўринли бўлиб, хоналар асосан 4 ва 6 кишига мўлжалланган. Бинода талabalар ва устозларимиз учун алоҳида-алоҳида овқатланиш хоналари, хизмат хоналари бор. Ётоқхонада талabalар З маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

**Юлдуз АСҚАР қизи сұхбатлашиди.**



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَاءَنْتُم بَدِينٍ إِلَى أَجَلٍ مُسَمًّى فَاكْتُبُوهُ وَلْيَكُتبْ بَيْنَكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ  
وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكُتبَ كَمَا عَلِمَهُ اللَّهُ فَلْيَكُتبْ وَلْيُمْلِلَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلْيَئِقَ اللَّهُ رَبَّهُ  
وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا فَإِنْ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِهًًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمْلَأَ هُوَ  
فَلْيُمْلِلَ وَلِيُهُ بِالْعَدْلِ وَاسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِنْ رِجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ  
مِنْ تَرْضُونَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَنْ تَضَلَّ إِحْدَاهُمَا فَتَذَكَّرَ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى

Имом Абу Мансур МОТУРИДИЙ

## АЁЛЛАР ГУВОХЛИККА ЎТИШЛАРИ ЖОИЗ

Ислом оламида "Мутакаллимлар имоми" деган шарафли мартабалар билан эъзозланган Имом Мотуридий илмий меросининг қадри ва қиймати ниҳоятда баланд. Унинг бугунгача етиб келган энг машхур асари, шубҳасиз, "Таъвилотул Куръон"dir.

"Таъвилотул Куръон" асари мотуридия таълимотининг асосидир. Асарда мўътазила, хавориж, рофиза, карромий, жаҳмий, мушаббиха каби ботил фирмаларнинг, мунажжим, фолбин ва шулар сингари инсонни соғлом фикрдан чалғитувчиларнинг қарашлари, ғоялари, иddaоларига илмий асосда раддиялар берилган.

**«Эй имон келтирсанлар! Бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз! Ўрталарингизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдиргандек ёзишдан бош тортмасин, албатта, ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши айтиб турсин, Рабби бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин ва ундан бирор нарсани камайтириб ёзмасин! Агар гарданида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш ёки ўта кекса) бўлса, ёки (кар, соқовлиги ё тил билмаслиги туфайли айтиб) ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий-вакили адолат билан айтиб турсин! Сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини гувоҳ қилинглар. Агар икки эркак топилмаса, бир эркак билан икки**



аёлдир – бири (унутиб) адашганда, иккинчиси эслатади» (Бақара сураси, 282-оят).

Баъзилар: «Аллоҳ таолонинг “Қарз олди-берди қилган вақтингизда...” ояти айни нарсани маълум муддатга қарзга сотиш хусусидадир. У ўзаро қарз олди-берди қилиш савдоси дейилади. Бу худди сотувчи ва харидор иккиси ҳам келишувчилар дейилганга ўхшайди. Чунки уларнинг ҳар бири бир жиҳатдан сотувчи, бир жиҳатдан харидор саналади. Ўзаро қарз олди-берди қилиш ҳам шунга кўра бўлади», дейдилар.

Сўнгра Аллоҳазза ва жалла ояти каримадаги “уни ёзиб қўйинг” лафзи орқали ўзаро қарз олди-бердисини ёзиб қўйишга амр этди. Бунинг боиси, валлоҳу аълам, бундай: “Бир томон сармояни қўлга киритиши билан ҳожати раво бўлмоқда. Иккинчи томон эса ҳали ҳожатига етгани йўқ. Бу биринчи томон иккинчи томоннинг ҳақини инкор қилишга олиб бориши мумкин. Аллоҳ таоло иккинчи томоннинг ҳақи йўқса чиқиб қолмаслиги учун қарз олди-бер-



дисини қайдлаб қўйишга амр этди. Зеро, қарздор олган қарзини ёзиб қўйганини, унга одамлар гувоҳ бўлганини эсласа, уни рад этишдан ўзини тияди. Чунки у қарз олганини инкор қилса, инсонлар олдида ёлғон гапираётгани ошкор бўлиб, шарманда бўлади.

Нақд савдо-сотик салам савдосига ўхшамайди. Чунки унда томонлардан бирининг ҳожати иккинчи томоннинг эҳтиёжи қондирилишига боғлиқ бўлади, яъни бири иккинчисиз ҳожатини чиқара олмайди. Бунда инкор қилишга имкон йўқ. Шунинг учун нақд савдо-сотикда қайдлаб қўйишга амр этилмаган. Балки қарз олди-бердиларида қайдлаб қўйишга амр этилган.

Шунингдек, ўзаро қарз олди-берди муомаласида ёзиб қўйишга бўлган амр бошқа бир маънони ҳам эҳтимол қилиши мумкин. Яъни, қарздор олган қарзини буткул унутиб қўйиши ёки баъзи қисмини эслаб, қолган қисмини эслай олмаслиги мумкин. Олди-берди ёзиб қўйилмаса, ҳақдорнинг ҳақи ботил бўлиш эҳтимоли борлиги учун қарзни ёзиб қўйишга хукм қилинган. Нақд савдоларда ҳолат бундай эмас. Шунинг учун икки савдо бир-биридан фарқланади.

Шайх раҳимахуллоҳ айтади: “Унутиш ўзаро низолашувни келтириб чиқаради. Низолашув эса мухолифатга олиб боради. Қарама-қаршиликда фисқу фасод бор. Шунинг учун Аллоҳ таоло бу каби кўнгилхираликларни бартараф этиш, ўзганинг ҳақига вафо қилиш ҳамда хусуматларни даф этиш учун қарз олди-бердисини ёзиб қўйишга бујурган”.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда ўзаро қарз олди-бердисини зикр қилиш баробарида унинг муддатини қайд этишга бујурган. Муддат эса мол-мулк эмас. Сўнгра Аллоҳ таоло ўзаро қарз олди-бердиси ва мол бўлмаган муддат борасида уларнинг гувоҳлигига рухсат берди. Бу нарса аёллар гувоҳлик бериши жоизлигининг иллати фақат молиявий масалаларнинг ўзи эмаслигига далолат қиласиди. Яъни, муддат каби молиявий бўлмаган масалаларда ҳам

уларнинг гувоҳлиги дуруст бўлади. Демак, аёллар гувоҳлиги жоизлигининг иллати фақат молиявий масала эмас.

Шариатда аёлларнинг гувоҳликка ўтишига аслида енгиллик мақсадида ижозат берилган. Шунинг учун уларнинг гувоҳлигини кенгчилик бўлган ўринларда рад этиб, тор доирада, танг ҳолатларда қабул қилиш жоиз бўлмайди. Никоҳ ва талоқ қаби ишлардаги гувоҳлик бериш масаласи енгилдир. Шу эътибордан бу ишларда аёлларнинг гувоҳлиги қабул қилинишга ҳақли бўлади.

**Аллоҳ азза ва жалланинг “Эркакларин-гиздан икки кишини гувоҳ қилинг. Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин” сўзи борасида савол туғилади:** “Икки эркак гувоҳ (бўлса) ҳам икки аёлнинг гувоҳлиги жоиз бўладими?”

**Жавоб:** Валлоҳу аълам! Бу ўринда аёлларни гувоҳ қилиб келтиришга эмас, балки қозининг ҳузурида гувоҳлик учун икки эркакни ҳозир қилишга амр этилмоқда. Шунинг учун Аллоҳ таоло оят давомида: “Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин”, деб марҳамат қилди. Яъни, гувоҳликни адо қилиш учун аёллар қозининг маҳкамасига келишга мажбурланмайдилар. Лекин гувоҳлик учун эркаклар топилмаган ҳолат бундан мустасно.

Қолаверса, Аллоҳ таоло ояти каримада икки аёлни зикр қилиб, уларни топилмаган бир эркак ўрнига қоим қилди. Бу бир эркак гувоҳликнинг бошиданоқ маҳкамада ҳозир бўлмаган. Зеро, ҳақ эгаси ўз ҳақини олиши учун бир неча кишини гувоҳ қилишга ҳақли бўлади. Шунинг учун ҳам маҳкамада икки эркак гувоҳ бўлишига қарамасдан, аёлларнинг ҳам гувоҳлик бериши жоиздир.

**“Таъвилотул Қуръон” тафсиридан  
Абдулатиф ОЛЛОҚУЛОВ таржимаси.**



Фатволар

# Рўзаси очиладими, йўқми?

\* \* \*

Рўзадорлиги эсида йўқ киши бирор овқат еб қўйса ё ичимлик ёки дори ичиб қўйса ёхуд жинсий алоқа қилиб қўйса, рўзаси очилмайди. Аммо шу ишлардан бирортасини қасддан қилса, рўзаси очилади. Кейин у ҳар бир куннинг қазоси билан бирга каффорат сифатида муттасил равишда 60 кун рўза тутиб беради ёки 60 нафар оч киши (мискин) қорнини тўйдиради. Рўзадор аёlinи жинсий алоқага мажбуrlаган бўлса, ўзи 60 кун каффорат, аёли бир кун қазо рўзасини тутади. Аёли розилик берган бўлса, у ҳам 60 кун каффорат рўзасини тутади.

“Оlamгирия”, “Хидоя”

\* \* \*

Рўзадорлиги эсида йўқ овқатланаётган кишини кўриб қолган одам қарайди – агар у кечгача рўзасини бемалол етказадиган кишидек туюлса, рўзани эслатади. Акс ҳолда макруҳ иш қилган бўлади. Борди-ю, у кекса одам бўлиб, чамасида рўзасини етказа кечгача олмайдиган бўлса, рўзани эслатмаслиги жоиз.

“Оlamгирия”, “Захирия”

\* \* \*

Бироннинг мажбур қилиши сабабли ёки рўзалиги эсида бўла туриб, эҳтиётсизлик билан (хато қилиб) рўзасини очиб қўйса, қазонинг ўзи вожиб, каффорат лозим эмас.

“Оlamгирия”, “Козихон”, “Мухтасар”

Изоҳ: Эҳтиётсизлик, дегандা, масалан, таҳорат ёки ғусл қилаётганда томоғидан сув ўтиб кетиши кабилар тушунилади. Агар рўзадорлиги эсида йўқ бўлса, рўзаси очилмайди.

\* \* \*

Кундузи ухлаётган рўзадор уйқусираб, сув ичиб қўйса, рўзаси очилади. Каффоратсиз, фақат қазосини тутиб беради.

“Оlamгирия”, “Козихон”

\* \* \*

Одатда ейилмайдиган тош, тупрок, данак, пахта, хашак, қофоз каби нарсаларни ютиб юборса, рўзаси очилади. Лекин каффоратсиз, фақат қазосини тутиб беради.

“Оlamгирия”, “Табийн”, “Хулоса”

\* \* \*

Тишлари орасида қолган таом қолдиқларини ютса, улар нўхатдан катта бўлмаса, рўзаси очилмайди. Аммо оғзидан ташқарига чиқариб, сўнгра қайта оғзига солиб ютса, нўхатдан кичик бўлса ҳам рўзаси очилади. Каффорат вожиб бўлиш-бўлмаслигида ихтилоғли фатволар мавжуд. Вожиб бўлмаслигига Абу Лайс Самарқандий раҳимаҳуллоҳдан ривоят бор.

“Оlamгирия”, “Хулоса”

\* \* \*

Тиш орасидаги бир дона кунжутни ютиб юборса, кичик бўлгани учун рўзаси



2023-03

очилмайди. Аммо уни оғзидан чиқарип, сўнгра яна қайта оғзига солиб ютса, рўза очилади. Каффорат вожиб бўлиш-бўлмаслигида ихтилоф бор. Агар тиш орасидаги бир дона кунжутни чайнаса, рўзаси очилмайди. Лекин чайнаб ютганида томоғида унинг мазасини сезса, рўзаси очилади. Бошқа ҳар қандай таом, дон ёки бошқа чайналган кичик нарсалар шу қоидага қиёс қилинаверади.

*“Оламгирия”, “Мухтасар”, “Қозихон”,  
“Фатхул Қадир”*

\*\*\*

Оғиз сўлагини ташқарига чиқармай ютса, рўзаси очилмайди. Ташқарига чиқарип олиб, сўнгра қайта оғзига солиб ютса, рўзаси очилади.

*“Оламгирия”, “Захирия”*

\*\*\*

Оғзини сув билан чайгандан кейин қолган сув юқини оғиз сўлагига қўшиб ютиб юборса, шунингдек, димоғига келган бурун суюқлигини томоғига тортиб юборса, рўзаси очилмайди.

*“Оламгирия”, “Мұхит”*

\*\*\*

Узрсиз таом тузини татиб кўриш, бозордан мева сотиб олаётгандан танлаш учун татиб кўриш макруҳ ишлардандир. Узрли бўлса, макруҳ эмас. Масалан, эрининг инжиқлигидан таомнинг тузини татиб кўришга мажбур бўлса, хўжайнинг уришишидан қўрқиб, бозор меваларини

татиб кўриб харид қиласа, макруҳ эмас. Шунингдек, ёш болага овқатни чайнаб берадиган одам йўқлигидан рўзадор бўла туриб, ўзи чайнаб бериши узр ҳисоблангани учун макруҳ саналмайди.

*“Оламгирия”, “ан-Наҳр ал-фоиқ”*

\*\*\*

Рўзадор одамнинг кундуз куни (узрсиз) чўмилиши, бошидан сув қувиши, сувга тушив ўтириши, ҳўл кийимга ўралиб олиши айrim уламолар наздида макруҳ саналган. Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ эса, бу каби ишлар макруҳ эмас, деб фатво берган.

*“Оламгирия», “Мұхит”*

\*\*\*

Саҳарлик қилиш мустаҳаб амаллардандир. Унинг вақти туннинг олтинчи қисми ҳисобланади. Ифторликни шом намозидан олдин, вақт кириши билан қилиш, саҳарликни эса, охирги вақтигача давом эттириш мустаҳабдир. Ифторлик дуосини ўқиб, эртаси кун рўзаси учун ҳам ният қилиб қўйиш суннат амаллардандир.

*“Оламгирия”, “Ас-Сирож”, “Меъроҷ”  
“Минг бир фатво” китобидан*



ИМОМИ АҶАҲОН  
АБУ ҲАНИФА НҮЙМОН ИБН СОБИТ

# ЮСУФ ИБН ХОЛИДГА НАСИҲАТЛАР

“Асарлар” китобидан

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Мазҳаббомиз, мужҳаттид аллома Имоми АҶАҲОН НҮЙМОН ибн Собит раҳимаҳуллоҳнинг ушбу насиҳатлари етук шогирди Юсуф ибн Холидга қаратилган бўлса-да, улар барча илм толибалари, айниқса, отинойилар учун ҳам ўта муҳимдир. Она-сингилларимизга ушбу насиҳатлардан фаолиятлари давомида, тарбия жараёнида муҳим қўлланма сифатида фойдаланишларини тавсия этамиз. Зоро, Куръони каримда эркаклар учун келган амр ва қайтариқлар аёлларга ҳам тегишилидир.

У зотнинг шогирдларидан Юсуф ибн Холид ўз юрти Басрага қайтиш учун изн сўраганида, Имоми АҶАҲОН бундай деди:

– Йўқ, мен сенга одамлар билан муомалада, аҳли илмнинг мартабаларида, нафснинг тарбиятида, раиятни бошқаришда, хос ва умумий хулқда, омма ҳолини ўрганишда зарур нарсалар ҳақида панд-насиҳатлар қилмагунимча ватанингга қайтишингга ижозат беролмайман. Ўйлайманки, менинг ўғитларимни илминг билан бирга олиб кетсанг, улар қундалик ҳаётингда асқотади, сенга зеб бериб турса-турадики, аммо зарари тегмайди.

Шуни билгинки, агар одамлар билан муомаланг ёмон бўлса, нафақат улар, ҳатто ўз ота-онанг ҳам сенга душман бўлиб қолади. Агар сен халқ билан хушмуомалада бўлсанг, улар сенга хешу ақрабога айланадилар.

Сўнгра Имоми АҶАҲОН менга деди:

– Сен бир қун сабр қил, мен сенга вақтими ни ажратаман, фикрларимни тўплаб, нима қилишинг лозим эканини тушунтириб бераман. Мендан миннатдор бўласан. Тавфиқ фақат Аллоҳдандир.

Ваъда берган қун етиб келгач, Имоми АҶАҲОН бундай деди:

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Мен сенга ниятимни ошкор этайин. Тасаввур қилгинки, сен Басрага кирдинг ва муҳолифларинг билан тўқнаш келдинг, ўзинг-

ни улардан юқори қўйдинг. Улар олдида илминг билан мағрурландинг, улар билан муносабат ва борди-келдини тўхтатдинг. Улар ҳам тўхтатишиди. Сен уларни залолатда деб айбладинг, улар эса сени залолатда деб айблашди ва сендан юз ўғирдилар. Бу кулфат бизга ва сенга етди. Сен қочишга ва улардан узоқлашишга муҳтож бўлдинг. Аллоҳ таоло нажот бергунича муомала қилмасликнинг иложи йўқ киши билан муомала қилмаган киши оқил эмас!

(Юсуф ибн Холид устозим айтганлари-дек бўлган эди, деб эътироф этган.)

Сўнгра Имоми АҶАҲОН деди:

– Сен ҳар бир одамнинг ҳурматини ўрнига қўй, аҳли илмни эъзозла, обрўли одамларнинг иззатини жойига қўй, қарияларни қадрла, ёшларга яхши муносабатда бўл, оммага яқинлаш, савдогарлар билан муомала қил, яхшилар билан юр, сultonларнинг мартабаларини ўрнига қўй, сенга интилганларнинг бирортасидан нафратланма, муруватингни улардан дариф тутма, зинҳор-базинҳор ўз сирингни бировга ошкор этма, синамасдан туриб бирор кимсанинг дўстлигига ишонма, хасис ва пасткаш кимсаларни хизматингга қўйма, ўзингга зарари тегадиган гап-сўздан ўзингни тий, бадхулқ кишилардан ўзингни узоқ тут, ғаразли мақсад билан чақирилган зиёфатларга борма, одамлардан ҳадялар ола кўрма. Сабру қаноатли, хушхулқли ва



кенг қалбli бўл. Кийим-кечакларингни янгилааб тур, хушбўй нарсаларни тез-тез ишлат, одамлар билан бот-бот мулоқот қилишга вақт белгилаб қўй. Бундай учрашувлар тайин қилинган вақтида амалга оширилиши лозим. Шахсий юмушларингни қилишинг учун ўзингга вақт ажратиб қўй. Одамларга насиҳат қилишингдан олдин айтмоқчи бўлғанларингга ўзинг риоя қил. Шундай бўлғанидагина ўгитларинг сенга обрў келтиради. Намозларингни қолдирма. Таомингни эҳсон қил. Зеро, баҳил асло улуғ бўлмагандир. Яхши дўстлар орттири, одамлар улар орқали сени танисинлар. Бузуқликни кўрганингда яхшиликни кўпайтири, яхшиликни билганингда унга рағбат ва эътиборни кучайтири. Сени зиёрат қилганларни ҳам, зиёрат қилмаганларни ҳам кўриб туришга интил. Сенга яхшилик қилганларга ҳам, ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қил. Кечиримли бўл, эзгуликка даъват эт. Бефойда ишлардан ўзингни олиб қоч, сенга озор берадиганлардан ўзингни узоқ тут. Ҳақларни танишга шошил. Биродарларингдан бирортаси касал бўлиб қолса, албатта, уни шахсан ўзинг бориб кўр ва унинг хузурига тез-тез ўз вакилингни юбориб туришни унутма. Кўзингга кўринмай қолган биродаринг ҳолидан хабар ол. Улардан бирортаси сени кўрмай қўйган бўлса ҳам, сен уни бориб кўр. Жафо қилганга вафо қил, хузулингга келганларнинг ҳурматларини ўрнига қўй, сенга ёмонлик қилганинг гуноҳидан ўт. Улардан бирортаси сен ҳақингда ёмон сўзлаган бўлса, сен у тўғрисида яхши сўзла, улардан кимдир вафот этса, унинг ҳақини адо эт, хурсандчиликка етишганини табриклаб қўй, бошига мусибат тушганга таъзия билдири, унга ҳамдард бўл, сендан бирор юмуш талаб қилса, унга дарҳол кўмаклаш, ёрдам сўраган кишига ёрдам бер, қўлингдан келганича одамларга меҳр-муҳаббат кўрсат ва ҳатто уларнинг энг ёмонига ҳам саломингни ошкора бер.

Агар бирор мажлисда, хонадонда ёки масжида одамлар билан бирга бўлиб қолсанг-у, сұхбатда ихтилофли масалалар кўтарилиб қолса ва сенингча улар нотўғри

бўлса ҳам, сукут сақла. Мабодо, сендан сўраб қолишса, қавм билганини айтса, бу хусусда бошқача фикрлар ҳам бор, деб қўйгин ва далил-ҳужжатлар билан уларга тушунтири. Одамлар сендан эшитишса, қадр-қимматингни билишади. Сендан “Бу кимнинг сўзи”, деб сўрасалар, уларга бу баъзи фуқаҳоларнинг фикрларири, деб жавоб бергин. Агар бунга қаноатланиб, фикрларини ўзгартирсалар, улар сени чуқур билимга эга эканлигиндан хабар то падилар ва сени осмонга кўтарадилар. Хузурингга кам келадиган кимсага ҳам одамлар муҳокама қилаётган илмдан ўргат. Уларнинг ҳар бири ундан бирор маълумот олади. Уларга тушунарли илмни ўргат. Гоҳо улар билан ҳазил қилиб, сұхбатлашиб тур. Бу ўзаро меҳр-муҳаббат пайдо бўлишига ва илм олишда бардавом бўлишларига сабаб бўлади. Гоҳо уларга меҳмоннавозлик кўрсат, баъзи ҳожатларини раво эт, уларни қадрла, хатоларини билмасликка ол, шафқатли ва кечиримли бўл, сиқилганингни ва хафалигини уларга билдири, ўзингни гўё уларнинг биридек тут, одамлар сенга қандай муомалада бўлишларини истасанг, сен ҳам уларга шундай муомалада бўл, ўзингга нимани раво кўрсанг, уларга ҳам шуни раво кўр, нафсингни тийиб юр, уни тергаб тур, уни ўз ҳолига ташлаб қўйма, сенга ғазаб қилмаганга ғазаб тошини отма, ёмонликка сабаб бўладиган бақир-чақирдан четда бўл, сени эшитмаганни сен эшит. Модомики, одамлар сенга масъулият юкламас экан, сен ҳам уларга масъулият юклама, уларга ўzlари нимани истаса шуни иста.

Холис ниятли ва ростгўй бўл. Кибр-ҳаволи бўлма, уни тарк эт. Сенга жафо қилсалар ҳам, сен одамларга жафо қилма. Бироннинг омонатига хиёнат қилма, сени алдасалар ҳам, сен уларни алдама. Тақвони маҳкам тут, бошқа дин аҳллари билан улар сенга муомала қилганларига мувофиқ муносабат қил.

Агар сен ушбу ўгитларимга амал қилсанг, умид қиламанки, иншоаллоҳ, дунё ва охиратда омонлик топасан.

(Давоми бор.)

# Аёллаға хос масалалар

## Нифос

(Бошланиши 2022 йил 12-сонда.)

Нифос – бола ёки унинг аксар қисми күринганидан сўнг аёлнинг қинидан келувчи қон.

Боланинг аксар қисми күрингасидан нифос бошланмайди.

Асрдан олдин боланинг аксар қисми күриниб, аср вақти кирганидан кейин бола туғилса, агар аёл пешинни ўқимаган бўлса, пешин намози ундан соқит бўлади.

Аёл туғуруқдан кейин қон кўрмаса ҳам, ғусл қилиб олиши лозим. Чунки туғуруқ ҳам қондан холи бўлмайди.

Бола кесерева йўли билан олинса ва қон аёлнинг қинидан келса, нифос бўлади. Акс ҳолда, нифос бўлмайди. Боиси бачадондан чиқмаган қон нифос бўлмайди, балки жароҳатдан деб эътибор қилинади.

Агар кесерева йўли билан бола туғилса, шифокорлар аёлнинг бачадонидаги барча қонни тозалаб ташлашса, қинидан бир қатра ҳам қон келмаса, аёл нифос холатида бўлмайди.

Нифосдаги ҳукмий қон деб аёлнинг нифос кунларидағи поклик соат ёки кунларга айтилади. Яъни, қон бир неча дақиқа, соат ёки кунлар тўхтаб қолиб, яна қайтади.

## Истиҳоза

Истиҳоза (фосид қон) бачадондан келмайдиган ички қинидан чиқувчи қондир. Ҳайз кунларида аёлдан уч кундан кам келган, ҳайзниң ўн қунидан ошган ва нифоснинг қирқ қунидан ошган қон истиҳоза ҳисобланади.

Сагира, яъни 9 ёшга етмаган қиздан келган қон. Агар 9 ёшдан сўнг қон кўрса, у балоғатга етган ҳисобланади ва у кўрган қон ҳайз бўлади.

Оисадан (туғиш ёшидан ўтган аёлдан) келган қон. Қора ёки қизил рангдан бошқа рангда кўрган қон ҳайз деб эътибор қилинмайди.

Ҳомиладорнинг кўрган қони. Ойша онамиз розийаллоҳу анҳо: “Ҳомиладор ҳайз кўрмайди. Ювениб, намоз ўқииди”, деган.

Ўн кундан ошган, одат кунларидан сўнг келган қон. Агар аёлнинг одати етти кун бўлса, лекин бир сафар етти кундан ошиқ келса, ҳайз кунининг ўзгариши эҳтимоли борлиги учун намоз ўқимайди. Агар ўн кундан ошса, бу унинг фосид қон эканини англатади. Ғусл қилиб, намоз ўқииди ҳамда етти кундан ошган ҳар кун намозининг қазосини ўқииди.

## Поклик турлари

Тугал поклик – тугал бўлган поклик. Тугал поклик ўн беш кундан кам бўлмаган, қон аралашмаган ва икки ҳайзниң орасида бўлган покликдир.

Тугал бўлмаган поклик. Агар поклик ўн беш кундан кам бўлса, тугал поклик ҳисобланмайди ва икки ҳайз ўртасини ажратади.

Мутахоллил (ҳайзга аралашган) поклик. Ҳайз муддатидаги поклик ҳайз ҳисобланади.

Ҳайз муддатидаги поклик ҳайз ҳисобланади. Агар аёлнинг қони ҳайз асносида бир неча дақиқалар ё соатлар ёки кунларга тўхтаб қолса, мана шу тўхташ тухрун мутахоллил, яъни аралашган ҳайз муддатидаги поклик дейилади.

Ҳайзниң энг кўпи ўн кундир. Ҳайз кунлари аёл намоз ўқимайди, рўза тутмайди, эри унга яқинлик қилмайди.

(Давоми бор.)

“Ҳайз ва нифос илмидаги олмос тоҷслар” китобидан



## Тўқувчи хотин ҳақида зарбулмасал

Қиссада мисоли келадиган аёл маккалик бўлиб, исми Робта бинти Амр ибн Саъддир. У ўта аҳмоқлигидан “Макка қўполи” дея лақаб олган. У ҳар куни тонгда газлама тўқир, хизматкор аёлларни мато тўқишига буюрар, куннинг ярмида эса тўқилган матони бузиб, хизматкорларига газламани яна бузиб юборишни амр этаркан. Унинг шу хислати туфайли аҳмоқликда мисол қилиб келтириладиган бўлган экан. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади: “Тўқигани қувватли бўлгандан сўнг уни сўтиб юборган хотинга ўхшаб, бир уммат бошқа умматдан зиёдроқ бўлгани учун қасамларингизни орангизга алдов воситаси қилиб олманг”, (*Наҳл сураси, 92-оят*).

## Тили узун бўлса...

Аёлнинг тили узун бўла бошласа, эри билан бирга кечадиган кунлари қисқара бошлайди.



## Энг кўп ейиладиган “Гўшт”

Сиз энг кўп ейиладиган гўшт қайси эканини биласизми? Ҳа, бўлди, кундалик ҳаётимизда мол гўшти кўп истеъмол қилинади, дейсиз-да. Кимлардир товуқ гўшти, дейди. Нархи ҳам ҳамёнбоп бўлгани учундир балки... Кимдир қўй гўшти дейишга оғиз жуфтламоқда. Йўқ, шошилманг... Энг кўп ейиладиган гўшт сиз айтганларингизнинг ҳеч бири эмас.

Энг кўп ейиладиган гўшт бу – “одам гўшти” номи “ғийбат” деб аталади. Бу менинг сўзларим эмас ва мен ўйлаб топган хаёлий нарса ҳам эмас, бу оламлар Рабби Каломида зикр қилган оят, огоҳликка даъват: “(Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон қўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли Зотдир” (*Хужсурот сураси, 12-оят*).

Муслима опа-сингилларим, келинг, бугуноқ ғийбат қилмасдан яшашни ўрганайлик. Зоро, Аллоҳга тавба қилсак, У қабул қилгувчи Зотдир.

**Муаттар АҲМЕДОВА,**  
*“Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта маҳсус ислом таълим муассасаси ўқитувчиси*

\*\*\*

Суфён ибн Уяйна раҳимаҳуллоҳ деди: “Ғийбат қарздан ҳам ёмонроқдир. Қарзни ўтаса бўлади. Ғийбатни эса, тўлаб, ўтаб бўлмайди”.

Изоҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Ҳар бир мусулмоннинг қони, моли, иффати ва номуси бошқа мусулмон учун ҳаромдир. Ғийбатдан сақланинг! Ғийбат зинодан ҳам ёмондир. Зоро, киши зино қилиб, охир тавба қилса, Аллоҳ афв этиши мумкин. Ҳолбуки, ғийбат қилганни тўғридан-тўғри кечириши қийин. Фақат ғийбат қилинган киши кечиргандан кейингина афв этиши мумкин”.

*Роғиб Исфаҳонийнинг “Хилятул авлиё” китобидан.*

**САВОЛ: Улама киприк қўйиш жоизми?**

**ЖАВОБ:** Аксар уламолар киприк улашни соч улашга қиёслаб, ҳаром ҳисоблаганлар. Демак, улама киприк жоиз эмас.

**САВОЛ: Айрим ҳудудларда Рамазон ойида ҳамма туз олиб қўяди. Сабаби, йил бўйи барака бўлади дейишади ва анчагина ғамлаб қўйишади. Шу тўғри ишми?**

**ЖАВОБ:** Динимизда бундай кўрсатма йўқ. Биз Рамазонда озиқ-овқатни эмас, балки кўпроқ тақвони захира қилишга ҳаракат қилишимиз ва гуноҳлардан покланган ҳолда чиқишга интилишимиз керак. Рамазон ойида бизга буюрилган нарса шудир. Шунинг учун бундай ортиқча нарсалар билан онгимизни ва вақтимизни банд қилмасдан, кўпроқ ибодат ва дуолар қилишимиз лозим.

**САВОЛ: Рамазон ойида тўй қилинмайди, дейишади. Шу гап тўғрими?**

**ЖАВОБ:** Рамазон ойи Қуръон тиловати ва ибодат мавсуми бўлганидан бу ойда тўй қилиш бизнинг диёрларда урф бўлмаган. Чунки тўйнинг ўзига яраша машаққати бор. Рамазон ойида тўй қилиш шаръян ман қилинмаган бўлса-да, кундуз куни одамларга таом тортиш жоиз эмас. Унда таом қўйган ҳам, кундузи узрсиз уни еган ҳам гуноҳкор бўлади.

**САВОЛ: Фитр садақасини кимлар беради?**

**ЖАВОБ:** Фитр садақаси – муҳтоҷ-фақирларга ғамхўрлик, ҳайит кунини хурсандчилик билан ўтказишлари учун кўмакдир. Уни берганлар учун эса Рамазонда йўл қўйилган баъзи камчиликларга каффорат

## Фитр садақасини кимлар беради?

бўлади. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо айтади: “Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рӯздорга беҳуда ишлар ва ёмон сўзлардан покланиш ҳамда камбағаллар учун егулик бўлиши учун фитр садақасини буюрдилар” (Ином Абу Довуд ривояти).

Фитр садақасини нисоб миқдоридаги мол-мулкка эга ҳур мусулмонлар ҳайит намозигача беришлари вожибdir. Ана шу миқдордаги мулкка эга киши фитр садақасини ўзи ва ёш болалари номидан бериши вожиб. Балоғатга етган фарзандлари ва хотини учун фитр садақаси уларнинг ўзларига вожиб. Агар балоғатга етган фарзандлари ва аёли учун, улар айтишмаса ҳам, фитр садақасини берса, уларнинг зиммасидан фитр садақаси соқит бўлади.

Фитр садақасининг вожиб бўлиш вақти ҳайит куни тонг отиш пайтидир. Шунинг учун ҳайит кечаси туғилган чақалоқдан ҳам фитр садақа берилади. Ҳомила ва ҳайит кунидан олдин вафот этганлар учун фитр садақаси вожиб бўлмайди.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳумо айтади: “Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитр садақасини одамлар намозга чиқмасдан олдин беришини буюрдилар”.

Аммо бу вақтдан олдин, масалан, Рамазон кириши билан берса ҳам бўлади. Лекин намозга чиқишидан олдин бериш мустаҳабdir. Фитр садақаси вожиб бўлиб, уни беролмай қолган кишининг зиммасидан соқит бўлмайди.

Фитр садақаси буғдой, буғдой уни ёки ёрмасидан ё майиздан ёки хурмо ё арпадан берилади. Буғдой ё унинг уни ёки ёрмасидан ва майиздан ярим соъ (тахминан 2 кг), арпа ва хурмодан бир соъ (4 кг)дир. Мазкур



2023-03

нарсаларнинг бирор тасининг қийматини ҳам берса бўлади.

Фитр садақаси зақот олишга ҳақдор муҳтож кишиларга берилади (“Хидоя”, “Ал-Мухтор”, “Мухтасарул виқоя”, “Фатху бобил иноя”, “Ал-мухтасар фил фиқҳил ҳанафий”).

**САВОЛ:** Агар одам сабабсиз Рамазоннинг бир кунини рўза тутмай ўтказиб юборса ва кейин тутиб берса, савоби Рамазондаги каби бўладими?

**ЖАВОБ:** Сабабсиз тутмаса, гуноҳкор бўлади. Рамазондан кейин бир кунига бир кун қазо қилиб тутиб бериши вожиб.

Рамазонда сабабсиз тутилмаган рўза кейинчалик қазо қилиб тутилганда бўйиндан соқит бўлса-да, лекин Рамазондаги каби кўп савобога эриша олмайди. Ҳадиси шарифда бундай дейилади: “Ким Рамазон ойида бир кун сабабсиз ва қасалликсиз рўза тутмаса, бутун умр рўза тутса ҳам, унинг ўрнини боса олмайди” (Имом Аҳмад ривояти).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази  
(78) 150-33-44

## Рўза оз, савоби кўп.

### Аёллар бебаҳра қолмасин!

Муоза розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. “Ойшадан:

- Нима учун ҳайзли аёл рўзанинг қазосини тутади-ю, намознинг қазосини ўқимайди? – деб сўрадим.
- Сен ҳаруриямисан? – деди.
- Мен ҳарурия эмасман, лекин сўрайпман холос, – дедим.
- Бизга шу ҳол етганда рўзани қазо қилишга буюрилар, лекин намознинг қазосини ўқишга амр қилинмас эдик, – деди” (Имом Бухорий ривояти).

Ҳаруро Кўфа яқинидаги бир қишлоқнинг номи бўлиб, хавориж фирмаси ўша ерда пайдо бўлган. Хаворижлар ҳайз боис намоз ва рўзани қолдирган аёл икковининг ҳам қазосини адо этиши шарт деб иддао қиласди.

Муоза розийаллоҳу анҳо Ойша онамидан “Нима учун ҳайзли аёл рўзанинг қазосини тутади-ю, намознинг қазосини ўқимайди?” деб сўраганида, онамиз бу ҳам намознинг қазосини ўқиш керак, деган фикрда, шекилли, деб ўйлаб: “Сен хаворижмисан?” деб сўрадилар. Муоза розийаллоҳу анҳо одоб билан хаворижлардан эмаслигини, билиш учун сўраётганини айтди. Шунда Ойша онамиз шариатнинг амри шундоқ бўлган, деб жавоб бердилар. Яъни, ҳайз сабабли рўзани тарк қилган аёлга унинг қазосини тутиш амр қилинган. Ҳайз боис намозни тарк қилган аёлга эса, намознинг қазосини ўқиш амр қилинмаган.

Аввалги мусулмонларнинг ҳоллари шундай эди: шариатнинг каттаю кичик барча амрларини суриштирмай бажараверганлар. Чинакам мўмин-мусулмон шундай бўлиши керак.

Замон ўтиши билан шунга ўхшаш саволлар кўпаявергач, уламоларимиз уларга жавоб беришга киришганлар. Жумладан, “Ҳайз боис намоз ва рўзани адо эта олмаган аёл нима учун рўзанинг қазосини тутади-ю, намознинг қазосини ўқимайди?” деган саволга кўйидагича жавоб берганлар:

– Ҳайз пайтида рўза уч ёки ундан кўпроқ кун тарк қилинади, намоз эса кўп бўлади. Рўза йилда бир марта тутилади. Намоз эса ҳар куни беш маҳал адо этилади. Агар аёл кишидан ҳайз пайтида ўқимаган намозларининг қазосини ўқиш талаб қилинса, албатта, қийинчилик юзага келади. Муслима аёл рўзгор юмушлари, фарзандлари, эрининг хизматида бўлиши керак. Шунинг учун унга енгиллик бўлсин, деб ундан ҳайз вақтида тарк қилган намозларининг қазосини ўқиш талаб қилинмаган. Рўза эса оз бўлганидан унинг савобидан аёл кишини маҳрум этмаслик учун ҳам қазосини тутишга амр қилинган.

**Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ,**  
Учқўрғон тумани “Шархончек” жоме  
масжиди имом ноиби



# Аллоҳга севимли, тилга енгил, тарозуда оғир...

Абу Хурайра розийаллоҳу анху ривоят қиласи. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қиласи: «*Икки калима борки, Раҳмонга севимли, тилга енгил ва тарозуда оғирдир: "Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи субҳаналлоҳил ъазизий"*».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу икки калимани айтувчилар Аллоҳ таолога суюкли эканини билдиришни истадилар. Чунки Парвардигорнинг бандага муҳаббати унга яхшилик ва уни азизу муқаррам қилишдир.

“Раҳмонга...” Аллоҳ таоло гўзал исмлари орасидан “Раҳмон” исмини хослади. Боиси Унинг барча исмлари йўзига лойиқ маконда зикр қилинади. Парвардигорнинг ушбу сўзи каби: “Бас, ўз Раббингизга истиғфор айтинг, албатта, У гуноҳларни кўплаб мағфират қилувчиидир” (*Нуҳ сураси, 10-оят*). Шунингдек, бу ерда Унга ҳамд билан тасбех айтувчиларнинг мукофоти раҳмат бўлгани учун жумланинг давомида шунга муносиб исм – “ар-Раҳмон”ни зикр қилди.

“...Тарозуда оғирдир...” Икки калимани айтувчига захира қилиб қўйиладиган ажр ҳамда ҳасанотларнинг икки баробар кўпайтириб берилиши эттибори билан ҳадисда ҳақиқий оғирлик назарда тутилмоқда.

Икки калима “енгил” ва “оғир” деб васф қилинишига сабаб унга амал қилиш ен-

гил, савобининг қўплиги боис оғирдир. Бу ўринда икки калимани мунтазам айтиб юришга тарғиб, бошқа калималарни айтиш нафсга қийин келиши, бу иккиси эса енгил, шу билан бирга тарозуда оғир келишига ишора бор.



“Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи”. Аллоҳ таолонинг барча нолойиқ нарсалардан поклигини зикр қилиш. Мана шу тасбехга муваффақ қилгани учун У Зотга лойиқ тарзда ҳамд айтиш билан бирга улуғлашдир. Яъни, бу Аллоҳ таолога шерик, жуфт, фарзанд ва барча ёмон сифатларни нисбат бермасликни тақозо қиласи.

“Субҳаналлоҳил ъазизий”. Ҳадис умид ва хавф (қўрқув)нинг орасини жамлайди. Зоро, “Раҳмон” лафзи инъом ва эҳсон маъноларига далолат қилиб, умидни; “ъазизий”нинг маъноси эса Аллоҳ таолонинг улуғворлигидан қўрқишни англатади.

Тасбехнинг фазилати борасида Абу Хурайра розийаллоҳу анхудан қуйидаги ривоят қиласи. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қиласи: «*Ким бир кунда юз марта “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи”ни айтса, хатолари гарчи денгиз кўпигича бўлса ҳам, кечириб юборилади*».

Аллоҳ таолога севимли тўрт калима бор. Банда қайси бирини айтса ҳам, унга зарар қилмайди: “Субҳаналлоҳ, вал ҳамдулил-



*лаҳ ва ла илаҳа иллалоҳу, валлоҳу акбар”.*

**Ҳадисдан олинадиган фойдалар:** қиёмат куни тарозунинг ҳақлигига иймон келтириш; қалом ҳам амаллар сирасига кириб, тарозуда тортилиши; ҳар бир киши амалига яраша ҳисоб-китоб қилиниши; тарозудаги қалом ҳарфларнинг кўплиги билан эмас, маъноси билан эътиборга олиниши; Аллоҳ таолони тил билан айб-нуқсондан поклаш ва улуғлаб тасбех айтишнинг аҳамияти; зикрнинг давомийлиги билан Аллоҳ ва банданинг орасида муҳаббат алоқасини ўрнатиш; киши зикр вақтида қалб хотиржамлигини ҳис этиши; Аллоҳ таолони зикр этиш, Унга йзи суйган сифатларни нисбат бериш билан банда буюк ажрга эришиши; зикр қилувчилар икки дунё саодатини қўлга киритиши...

*Манбалар асосида  
Имом Бухорий номидаги  
Тошкент ислом институти ўқитувчиси Ҳафиза  
БАХТИЁР қизи  
тайёрлади.*

## Ғам-андуҳни кетказишининг 27 йўли

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

**Бешинчи йўл:** Ғам-андуҳни кетказишининг яна бир йўли сакинат оятларини ўқишидир. Бу оятлар:

Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди: «**Набийлари уларга: “Албатта, унинг подшоҳлигининг белгиси сизларга Раббингиздан сандиқ келмоғидир, унда хотиржамлик ва Мусо ҳамда Ҳорун аҳлидан қолган қолдиқ бўлиб, фаришталар кўтариб келур. Агар мўмин бўлсаларингиз, албатта, бу нарсада сизларга белги бор”, деди»** (Бақара сураси, 248-оят).

“**Сўнгра Аллоҳ сокинлигини Пайғамбаримизга ва мўминларга туширди ҳамда сиз кўрмайдиган лашкарларни туширди ва куфр келтирганларни азоблади. Ана ўша кофирларнинг жазосидир**” (Тавба сураси, 26-оят).

«**Агар сиз унга ёрдам бермасангиз, батаҳқиқ, Аллоҳ унга, куфр келтирганлар уни икки кишининг бири бўлган ҳолида чақирганларида, нусрат берди. Улар икковлон ғорда турганларида у шеригига: “Хафа бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан”, деди. Бас, Аллоҳ унинг устидан ўз сокинлигини нозил**

қилди ва сиз кўрмаган лашкарлар билан қўллади. Куфр келтирганлар калимасини паст қилди. Аллоҳнинг калимаси эса ўзи юқори. Аллоҳ ғолиб ва ҳикматли Зотдир» (Тавба сураси, 40-оят).

“У иймонларига иймон зиёда бўлиши учун мўминлар қалбига сокинликни нозил этган Зотдир. Ва осмонлару ернинг лашкари Аллоҳницидир. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир” (Фатҳ сураси, 4-оят).

“**Батаҳқиқ, Аллоҳ мўминлардан дараҳт остида сенга байъат қилганларидаги рози бўлди. Бас, уларнинг қалбларидағини билди, уларга сокинликни туширди ва яқин фатҳ или мукофотлади**” (Фатҳ сураси, 18-оят).

«**Эсла! Куфр келтирганлар қалбларида “ҳамийят”ни, “жоҳилият ҳамийати”ни жойлаганларида Аллоҳ ўз сокинлигини Пайғамбарига ва мўминларга туширди ва уларга тақво калимасини лозим кўрди, улар ушбуга ҳақли ва аҳл эдилар. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчиидир**» (Фатҳ сураси, 26-оят).

(Давоми келгуси сонда.)

**Юлдуз КОМИЛОВА**

*таржимаси*



## Саҳоба Журайбибнинг аёли

Журайбиб розийаллоҳу анху Бани Саълаба қабиласидан эди. У жуда фақир ва юз тузилишидан ўта хунук инсон бўлиб, шу сифати билан танилганди. Аммо Расулуллоҳга бўлган муҳаббати бу саҳобани машхур қилди. У хунук бўлса-да, иймони гўзал бўлгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қаттиқ яхши кўрардилар. Шу боис Журайбибнинг исмини “Расулуллоҳнинг маҳбуби” деган ном билан тарих саҳифаларига битилди.

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Журайбиб розийаллоҳу анхуни кўриб қолдилар. Унинг ёши ҳам бир жойга бориб қолганди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: “Эй Журайбиб, қандайсан?” дедилар. У ҳолини баён қилганидан кейин бир савол берди: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менга бериладиган жуфтлар энди фақат жаннатдаги ҳурлар бўладими?” деди. Бу билан “Хунуклигим сабабли бу дунёда ҳеч қайси аёл менга турмушга чиқмайди. Энди фақат охиратда ҳурлар жуфт қилиб бериладими?” демоқчи эди. Буни яхши англаган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Журайбиб! Балки сенга дунёда ҳам, охиратда ҳам жуфтлар насиб қиласди. Сен Ҳазраж қабиласидаги Бани Ҳориснинг болаларидан бўлган фалон манзилдаги фалончининг уйига бор ва уларнинг қизларини ўзингга сўра”, дедилар.

Журайбиб розийаллоҳу анху совчиликка борди. Аммо қайтиб келиб, улар қизларини бермаганларини айтганида, Набий алайҳиссалом ўзлари ўша хонадонга бордилар ва уй соҳибларига: “Мен қизларингиз қўлини сўраб келдим”, дедилар. Бундан хурсанд бўлган уй эгалари: “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Бу қандай ҳам яхши хушхабар бўлди!”, дедилар. Шунда у зот алайҳиссалом: “Сизлар ўйлаганларингиздек, қизларингизни мен ўзим учун сўрамадим. Бал-

ки Журайбиб учун сўраяпман”, дедилар. Бу хабардан сўнг қизнинг отаси худди бир нарсадан қўрқиб, орқага тисарилгандек чўчиб тушиб, юзлари буришди ва хотини билан маслаҳатлашиб олишини айтди.

Қизнинг отаси уйига кирди-да, аёлига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизларига совчи бўлиб келганларини айтди. Аёли ҳам: “Аллоҳу акбар! Бу қандай шараф!” деди. Шунда эри: “Йўқ! Йўқ! Расулуллоҳ ўзлари учун эмас, Журайбиб учун сўраб келибдилар”, деди. Аёли: “Субҳаналлоҳ! Журайбибдан яхшироқ бой ва обрули йигитларнинг совчиларига рад жавобини берган эдик. Энди қизимизни камбағал ва хунук Журайбибга турмушга берамизми!?” деб бошини чангллади. Ота-онасининг бу сұхбатларини эшитиб турган қиз сұхбатга аралашди: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизларингизга совчи бўлиб келсалар, сизлар халқнинг энг шарафлиси бўлган Расулуллоҳнинг сўзларини рад қиласизларми!? Аллоҳга қасам, мен у зотнинг бу сўровларини рад қилмайман ва Журайбибдан бошқасига турмушга чиқмайман!” деди.

Қалбida иймон ва Ислом нури порлаган бу қиз Аллоҳнинг «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ ва Расулига итоат қилинглар...» деган оятининг маъносини чуқуранглаб етган эди. Бу хабар Журайбиб розийаллоҳу анхуга етиб борганида у жуда қувонди.

Қизнинг розилигидан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларини Журайбибнинг тўйини ўтказишга ёрдам беришга чақирдилар. Расу-



луллоҳ алайҳиссалом иккала томонга ҳам ўзлари вакил бўлиб тўйни ўтказдилар ва келин-куёвларга баҳт тилаб, дуо қилдилар: **“Ё Раббим! Бу келин-куёвнинг устидан яхшиликларингни тўккин! Уларнинг ҳаётини қийин қилмагин!”** Тўйнинг эртаси куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобаларни навбатдаги ғазотга чақирдилар. Янги куёв Жулайбиб розийаллоҳу анҳу ҳам жангчиларнинг биринчи қаторидан жой олди. Жанг мусулмонларнинг ғалабаси билан якунланди.

\*\*\*

Жанг тугаганидан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам майдонда шаҳид бўлган саҳобаларнинг жасадларини дағн эттириш учун у ерга бордилар. Бу ғазотда буюк саҳобалар ҳам шаҳид бўлишган эди. Ҳамма ўз яқинларини ва танишларини изларди. Аммо Пайғамбаримиз алайҳиссалом биргина: “Жулайбиб қани?” дердилар. У зотдан бошқа ҳеч ким Жулайбибни изламасди. Уни маййитлар орасидан топдилар. Унинг жасади атрофида душманлардан етти киши ўлик ҳолда ётар эди. Бу ҳолатни кўриб Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг кўзлари ёшга тўлди: **“Жулайбиб мендан ва мен унданман. Жулайбиб оиласининг аъзоси ва мен унинг оиласининг аъзосим!”** деб уч марта айтдилар. Кейин у зот Жулайбибнинг жасадини муборак қўллари билан кўтардилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қараб йиғлар эдилар. Кейин бирдан йиғилари табассумга айланди ва юзларини бошқа томонга буриб олдилар.

Жулайбиб розийаллоҳу анҳуни Расулуллоҳ алайҳиссалом ўз қўллари билан дағн қилдилар. Шундан сўнг саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг Расули! Нега сиз Жулайбибни кўтарган вақтингизда аввал йиғлаб, кейин

кулдингиз ва юзингизни бошқа томонга буриб олдингиз?” деб сўрашди. У зот: **“Мен менга қадрли бўлган Жулайбибни ўқотганим учун йиғлаётган эдим. Жулайбибга мендан бошқа бирорта одам қайғурмасди. Сўнг Аллоҳ менга Жулайбибнинг жсаннатдаги жойини кўрсатди. Унинг руҳи жсаннатда эди. Олдига ҳурлардан бўлган аёли югуриб борарди ва ниҳоят ўзи хоҳлаган жсаннатдаги аёлига эга бўлганини кўриб кулдим. Унинг хури Жулайбиб томонга югураётганида товони кўриниб қолди. Шунинг учун кўзимни бошқа томонга бурдим. Жулайбибнинг аёлига қарашга менинг ҳақим ўқ,”** дедилар.

Бу гапдан сўнг Аллоҳ ва Расулининг сўзини ерда қолдирмасдан Жулайбибга турмушга чиққан қизнинг остонасига иддаси тугар-тумас, Мадинанинг энг бой ҳамда обрўли кишиларидан совчилар кела бошлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Жулайбибнинг тўйидаги дуолари ижобат бўлиб, унга энг буюк шаҳодат шарбатини ичиш насиб қилди. Аёлига эса барака ва ризқ эшиклари очилди. Бу бевага энг улуғ саҳобалардан келаётган совчиларнинг қадами узилмай қолди. Шу билан бирга “Жулайбибнинг беваси” дея Мадина бойларининг қилган ҳадялари сабаб уйи бойликка, шаъни эса хурмату эҳтиромга тўлиб-тошди. Лекин бу бойлик ва обрўга Жулайбиб розийаллоҳу анҳунинг беваси қайрилиб ҳам қарамади. Барчасини Аллоҳ йўлида эҳсон қилди.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Жулайбибнинг аёли ҳақида бундай дейди: **“Мен Мадинада Жулайбибнинг бевасидан қўра Аллоҳ учун қўпроқ эҳсон қилувчини кўрмадим.”**

Аллоҳим, қизларимизни мана шундай итоаткор, сахий, солиҳа бандаларидан қилсин!

**Муҳаммадрасул ТОШПЎЛАТОВ,**  
Имом Бухорий номидаги  
Тошкент ислом институти  
катта ўқитувчиси

# СЕЛФИ НИНГ ТАЪСИРИ ЖУДА ЁМОН



Сўнгги пайтларда дунёда селфи эпидемияси кенг тарқалиб, бу машғулот шу даражага етдики, селфи олишни ўргатадиган махсус сайтлар пайдо бўлди.

Инсонлар яқин-яқингача шахсий ҳаётини ўзгалар назаридан яширап, бу борада жуда эҳтиёткор бўларди. Афсуски, бугунги кунда бу манзара ўзгарди. Технологиялар ривожи инсониятнинг асрлар оша яшаб келган қадрияту маданиятларига таъсирини ўтказди. Эндиликда одамлар нафақат ўз-ўзини хурмат қилишни, ҳатто шахсий ҳаётнинг қадр-қимматини ҳам унутмоқда. Манманлик, худбинлик авж олиб, ҳамма ўзи ҳақида бутун дунёга жар солишга тайёр. Нима қилса ҳам, тезроқ машҳур бўлиш, ҳамма у ҳақда гапиришини истайди.

Мутахассисларнинг фикрича, кўплаб ижтиомий тармоқ фойдаланувчилари ва селфи ихлосмандлари руҳий касалликлардан азият чекаётирлар. Селфига берилиш хулқ-атворга салбий таъсир этади.

Хўш, динимизда селфига муносабат қандай?

Умра ва ҳаж зиёратига борганиларнинг аксарияти хотира учун Каъба фонида ўзларини суратга олади. Бунда, бир қараганда, ҳеч қандай иллат йўқдек. Аммо...

Маккада Каъба атрофида одамлар тавоғ қилаётгандарига селфи олиш издиҳом ҳосил бўлишига олиб келади ва кўплаб муаммоларни туғдиради. Масjidул Ҳаром ходими бундай дейди: “Кейинги йилларда зиёратчилар орасида селфига тушиш одат тусига кириб бормоқда. Зиёратчилар кишиларга озор бер-

маган ҳолда суратга олса, заари йўқ. Бироқ бугун айрим инсонлар жума намози пайтида имомни тинглаш ўрнига, ибодат қилувчиларни суратга олишни ёки селфи қилишни афзал кўради. Улар бу ҳаракати билан ўзгаларнинг ғашига тегаётганини ёки озор бераётганини тушунмайдилар”.

Ибн Лубайд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Сизлардаги энг хавфсирайдиган нарсам маҳфий ширкдир*», дедилар. Шунда саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, маҳфий ширк нима?» деб сўрашди. У зот бундай дедилар: «*Бу риёдир. Қиёмат қуни одамлар ўз амаллари билан келишганида Аллоҳ таоло: “Дунёда риё қилганларингизнинг олдига боринглар. Назар солинглар-чи, уларнинг олдига мукофот бормикин?” дейди*» (Имом Аҳмад ривояти).

Селфи кишига қувонч улаша олмайди, у фақат ҳиссиятни акс эттириши мумкин, холос. Муқаддас жойларда бебаҳо онларни беҳуда ишлар билан ўтказиш заардан бошқа нарса эмас. Бу ҳаракатларимиз билан ибодатларимиз риёга айланиб қолади.

Қисқаси, ҳар бир инсонда тан олиниш ва қадрланиш истаги бор. Аммо бунга фотосуратлар ёки селфи орқали эришилмайди. Чин мўмин Яратгувчининг розилигига эришишга интилиши керак, ўзгаларнинг лайкларига эмас!

Абдуллоҳ МУСЛИМОВ



2023-03

Хурофот – динимизга ёт

Қишлоқнинг обрўли хонадонларидан бирида қайнона-келин арзимас сабаб билан аразлашиб қолиши. Нима эмиш, келин қайнонасининг акаси вафот этганида қирқ кун азадорлар кийимини киймаганиши. Шу бўлдию, келин уйга сиғмай қолди. Қайнона унинг ҳар ишидан камчилик топиб айблар, оғзини очишга ҳам қўймасди. Бундан ранжиган келин боласини олиб, ота уйига кетиб қолди.

Бу аразлашиш икки ойча давом этди. Охири бу воқеа қишлоқ отинойисининг қулоғига етди. Аввало, қайнона хонадонига бориб, улар билан суҳбатлашди. Шариатимизда уч қундан ортиқ аза йўқлиги, азадорларнинг маҳсус либос кийиши бидъат-хурофотдан бошқа нарса эмаслигини тушунтириди. Қайноналар келинларини ҳам фарзандидек кўриб, яххисини ошириб, ёмонини яшириб, уларни тўғри йўлга бошлиши лозимлигини уқтириди. Келинга ҳам насиҳат қилди, у ўз уйига қайтди. Ўртадаги ғубор ариди.

Дарҳақиқат, аза маросимлари – халқимиз урф одатларининг бир кўриниши. Аммо ортиқча хурофотларга берилиш жоиз эмас. Улар фақат инсонларга қийинчилик туғдиради, холос. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Аллоҳга ва охират куни-*

*га иймон келтирган аёлга бирор майит учун уч қундан ортиқ аза тутшиши ҳалол эмас. Фақат эрига тўрт ою ўн кун тутади», деганлар (Имом Бухорий ривояти).*

Яна бир ҳадисда: «*Замон охирда шундай қавмлар пайдо бўладики, улар ҳамма амалларни барчага кўрсатиб, ошкора қилишни ўзларига одоб тутадилар ва маҳфий равишда қилишни ёқтирамайдилар*», дейилган. Саҳобалар сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, буни қандай тушунайлик?» Шунда у зот изоҳ бердилар: «*Одамлар бир-бирини қўролмаслигидан, яъни фалончи ундаи қилибди, мен ундан ҳам ўтказиб қиласман, деб ёки бир-биридан қўрқанидан шундай қилишади*» (Имом Муслим ривояти).

Афсуски, бугун «Одамлар нима дейди?» қабилида иш тутадиганлар кўп. Айниқса, маъракаларда бу яққол намоён бўлади. Юқоридаги ҳадислардан келиб чиқиб, одамлар гапига қараб эмас, балки соғ Ислом дини таълимотларига амал қиласлик. Зеро, ҳар бир амалга сўроқ борлигини, савоб ёки гуноҳ ёзилишини унутмасак бўлгани.

**Нуринисо ЗОЙИРОВА,**  
Когон тумани  
“Хожаякшанба”  
маҳалласи отинойиси

# Аза машмашаси





# O'n yil xizmat qilib, yuz yil yashadi

Aziz bolajonlar! Zayd ibn Horisa haqidagi hisoyani o'qib, hayron qolgan edingiz. Bunisi yana ham qiziq. O'z uyidan ko'ra boshqa insonlarni kida yashashni yaxshi ko'rishi hozirgi bolalarda ham ba'zan uchraydi. Lekin onaning o'z bolasini birovning uyiga "hadya" sifatida eltid berishi-chi?! Juda g'ayrioddiy holat-a?! Agar bu uy Nabiy alayhissalom xonadonlari bo'lsa-chi? Unda bu ishning hechqanday hayratlanarli joyi qolmaydi.

Ummu Sulaym binti Milhon ismli ansoriya ayloning Anas degan o'g'li bor edi. U farzandini juda yaxshi ko'rsa-da, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga hurmat-muhabbati undan-da kuchli edi. Shuning uchun kichik o'g'lining Nabiy alayhissalomga yo'l dosh, hamnafas bo'lishini istadi. Anasning Nabiy alayhissalomga xizmat qilib yurishi, u zotning unga din ishlarini o'rgatishlari, odobni ta'lim berishlarini so'radi.

Aziz bolajonlar!

Ummu Sulaymning bu tadbiri haqida nima deysiz? O'g'ilchasi bu ishga rozi bo'larmi? O'sha vaqtida Anas o'n yoshda edi. Agar uning o'mrida siz bo'lsangiz, bunga rozi bo'larmidingiz?

Keling, endi Anas bilan nimalar sodir bo'lganini ko'ramiz.

Onasi uni Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga topshirar ekan: "Bu mening kotibim, ya'ni yozishni biladigan o'g'limdir", dedi va uning uchun duo so'radi. Nabiy sollallohu alayhi va sallam Anasning haqiga: "Yo Alloh, uning molini ham, surriyotlarini ham ko'p qilgin, unga bergen narsalaringni barakali aylagin", deb duo qildilar.

Bolakay Anas shu kundan e'tiboran Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga xizmat qila boshladi. Kimnidir uyidan chaqirib kelish, ayrim narsalarni masjidga eltid qo'yish, sadaqalarni aytilgan haqdorlarga yetkazib berish kabi ishlarni bajarib yurdi. O'n yil shunday xizmat qildi.

Keling, endi Anasning gaplariga qulqoq tutaylik.

Payg'ambarimiz sollallohu alayhi va sallam unga qanday muomalada bo'lganlarini aytib ber sin. Anas aytadi: «Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga o'n yil xizmat qildim. Hech qachon menga "uf" yoki "Nima uchun bunday qilding?" yoki "Nima uchun bunday qilmading?" deb meni urishmadilar».

Payg'ambarimiz alayhissalom Anasga dakki bermas, urishmas, ayblamasdilar ham. Aksincha, unga doim yaxshi muomala qilardilar va mehr ko'rsatardilar. Qilgan ishidan ham, biron ishni bajarmagani uchun ham g'azablanmas edilar.

Anas hikoya qilishicha, bir kuni Rasululloh sollallohu alayhi va sallam uni bir ish bilan bir joyga yubormoqchi bo'ldilar. Anas: "Yo'q, u joyga borolmayman", dedi. Bormasligini Payg'ambarimiz alayhissalomga aytganida, u zot suukut qildilar. Hech narsa demadilar. Anas tashqariga chiqib ketdi. Bir ozdan so'ng Rasulullohsollallohu alayhi va sallam ham chiqdilar. Nabiy alayhissalom ko'chadan o'tayotib, qarasalar, Anas bolalar bilan o'ynab yuribdi.

Ochiq chehra bilan, tabassum qilgan holda qulog'iga: "Ey Unays (kichkintoy Anasim), men aytgan joyga boardingmi?" dedilar.



Qaranglar, bolajonlar, Payg‘ambarimiz alayhissalom xizmatchilari Anasga qanday muomala qilyaptilar? Buyruqlarini bajarishini talab qilish o‘rniga uni erkalab chaqirdilar.

Nima uchun Rasulullohsollallohu alayhi va sallam Anasning qulog‘iga pichirlab gapirdilar? Boisi Anasning do‘satlari u haqda yaxshi fikrda bo‘lishlarini istardilar.

Xo‘s, Anas qanday javob qaytaridi?

Xursand bo‘lganicha: “Yo Rasululloh, hozir tezda borib kelaman”, deya chopqillab ketdi.

Shuni bilinglarki, aziz bolajonlar, Anas onasi va ukalarini ham yordamsiz tashlab qo‘ymadi. Ularning oldiga borib turdi. Rasulullohsollallohu alayhi va sallam ham ahyonahyonda Ummu Sulaym roziyallohu anhoning uyiga borar, Anasning xonasida namoz o‘qir, oila ahli u zot alayhissalom ortlarida saf tortib ibodat qilishardi.

Keling, endi Anasning keyingi yillardagi hayotini kuzataylik. Uning namozi Rasululloh sollallohu alayhi va sallam namozlariga o‘xshardi. Zero, Anas u kishining doimiy holatlarini kuzatuvchi hamrohlari edi.

Anas roziyallohu anhu uzoq umr ko‘rdi va sahabalarning eng oxirgisi bo‘lib vafot etdi. Farzandlari va nabiralari juda ko‘p bo‘ldi.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallamdan 2200 dan ortiq hadis rivoyat qildi.

*“Kim seni u zotdek yaxshi ko‘radi?” kitobidan*

**Yu. KOMIROVA tarjiması**



**“Сизлардан вафот этиб, хотинларини қолдирган бўлсалар, (бева хотинлари) тўрт ою ўн кун ўзларини кузатиб (идда сақлаб ўтирадилар)...” (Бақара сураси, 234-оят). Иддага оид масалалар Куръони каримнинг Талоқ ва Бақара сураларида батафсил баён этилган.**

АҚШлик олимлар Куръони каримда аёл киши идда сақлаши лозимлиги ҳақидаги мазкур оятлар ҳикматини тадқиқ этдилар.

Унга кўра, агар аёл эридан ажраганидан сўнг ана шу учой вақт ичидан бошқа турмуш қиласа, бу аёлнинг иммунитет тизимига салбий таъсир кўрсатади. Бу унинг танасида саратон ўсмасини пайдо қилиши мумкин экан. Бир неча бор қайта-қайта турмуш қуриш эса аёлларда кўкрак ва тухумдан саратонини келтириб чиқариши ҳам аниқланди. Шунингдек, аёл кишининг яқинлиқдан кейин тўлиқ покланиши ҳам шу уч ҳайз кўриш муддатига тенглиги маълум бўлди.

Тадқиқотлар дастлаб мусулмонлар яшайдиган ҳудудда, кейин эса номусулмонлар яшайдиган ҳудудда олиб борилди. Бу жараёнда олимлар муслима бўлмаган аёлларда бир вақтнинг ўзида бир неча эркакнинг турли хромосомалари борлигини аниқлади. Муслималар эса Ер юзидағи энг пок аёллар экани маълум бўлди.

Аслида, бу жаҳон эмбриологиясида биринчи учраган ҳодиса эмас. Канадалик машхур олим, анатомия ва эмбриология соҳаси бўйича мутахассис Кейт Мур: “Агар 20 йил олдин Куръони каримни билганимда Нобель мукофотини олар эдим”, деган эди.

Эмбрионнинг ривожланишини ўрганган олимлар эмбрион ҳосил бўлиши бир ярим минг йил олдин Куръони каримда қанчалик аниқлик билан баён этилганига гувоҳ бўлди. Кашфиётлар натижасини Мур янги китобига жамлаб, уни “Инсон эмбриологияси исломий қўшимчалар билан” деб атади.

Маълумки, кўплаб олимлар йиллар давомида тадқиқ этиб, ечимини топган масалалар Куръони каримда баён этилганидан ҳайратга тушдилар.

**Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.**



# КЕЛИНГЛАР, “ОҚ ТЕРАК...” ЎЙНАЙМИЗ!

Қишининг узун тунларию қисқа кунларидан чиқиб, кўкламни қаршиладик. Бу он ун тутилиб кетаётган, бобою момоларимиз тилидан тушмайдиган халқ ўйинлари бирдан “уйғониб” кетгандек бўлади.

“Оқ теракми кўк терак,  
Биздан сизга ким керак?”...

Ташқаридан эштилаётган болажонлар қий-чуви бувими руҳлантириб юборди чофи, кўча томон ошиқди. Бир лаҳза дарвозага суюнганча уларга термулиб, чуқур ўйга толди.

- Наҳотки, болалар “Оқ терак...” ўйнаяпти, бу қандай яхши, беихтиёр лаблари пи-чиirlади унинг. - Ёшлиқда биз ҳам давра қуриб, “Соч попук”, “Олма олди”, “Доирадан чиқариш”, “Кўз бойлагич” ўйнардик. Яна “Ошиқ” ҳам севимли машғулотимиз бўлган. Аммо бугун кўчаларни тўлдириб “Беркинмачоқ”, “Тўптош” каби турли халқ ўйинларини ўйнаётган болалар деярли учрамайди. Улар ўрнини телефону интернетлар эгаллади.

Бувимнинг гаплари рост. Бугун ота-оналар учун телефон, интернет фарзандини овутиш манбаига айланган. Хархаша қилганида телефон билан осонгина чалғитишига ҳаракат қилади. Олти ёшли боланинг экранда “одам ўлдирганидан” хурсанд бўлаётганини тасаввурингизга сиғдира оласизми? У энди дунёни тур-

ли рангларда англай бошлаган кез бу “қувонч” мурғак қалба эзгулик эмас, ёвузлик ҳиссини сингдиради-ку!? Диядаси қаттиқ, меҳрсиз бўлиб улғайишига сабаб бўлмайдими?

Дарҳақиқат, компьютер ва телефон ўйинлари бола саломатлигига кучли салбий таъсир қилади. Олимлар ўтказган тадқиқотлар натижасида интернет ўйинларига муккасидан кетган болаларда ёшига тўғри келмайдиган ҳолатда кайфиятнинг тез-тез



ўзгариши, жizzакиликнинг кучайиши кузатилган. Экранга доимий равишда чалғиши оқибатида улар ҳис-туйғуларига қарши курашиш усулларини ўзлаштира олмаган. Мунтазам бу ўйинга берилганлар эса умуртқа соҳаси ва кўз билан боғлиқ оғир касалликларга чалинган.

Бола тарбиясидаги бу каби маънавий бузуқлик Ислом таълимотида ҳам қаттиқ қораланади. Имом Ғаззолийнинг “Иҳёу улумуд-дин” китобида келтирилишича, “Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок.

Нима нақш солинса, қабул қиласи. Нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устида ўсаверади, дунё ва охиратда саломат бўлади. Ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвон каби бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳ юкланади”.

Шу боис фарзанд тарбиясида эътиборли бўлиб, ота-бо- боларимиздан қолган миллий ўйинларни ўргатайлик. Зоро, табиат билан ҳамоҳанг миллий ўйинларимизни ўйнаб улғайган болаларнинг эса нафас олиш, мушак, юрак қон-томир тизими яхши ривожланади. Айниқса, очиқ ҳавода ўйналадиган ўйинлар натижасида кислород келиши ошади ва бу танада моддалар алмашинувини кучайтиради. Табиийки, миянинг ахборотни қабул қилиши фаоллашади.

Дарҳақиқат, қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари нафақат бўш вақтни унумли ва мароқли ўтказишини таъминлайди, балки фарзанднинг миллий руҳда тарбияланишига ёрдам беради. Мардликка, эпчилликка, чақонликка, эзгуликка ундейди.

**Хувайдо ҲЎЖАМҚУЛОВА**



## БИДЪАТЛАРГА ОДАТЛАНМАЙЛИК

Тўй бошланди. Оқ рўмол ўраган келин юзини ёпганча бир оз эгилиб таъзим қилмоқда, салом бермоқда. Кайвони онахон ёр-ёр айтиб, бошқаларни “келин кўрди”га чақиради. Бундай ўзбекона гўзал қадриятни ҳеч қаерда учратмайсиз. Аммо бу анъана охирги пайтларда ўзгача тус олмоқда. Аёлларимиз “рэп” шаклида келинсалом айтганига нима дейсиз? Буни кўрмаган, эшиитмаган одам тасаввур қила олмайди. Афсуски, бу шу кунларда учраётган ҳолат. Бугун турли актриса ва қизиқчиларнинг “келинсалом”даги иштироки, баъзан бачканаликка айланиб кетмоқда. Уларнинг даврани қизитиш учун қилаётган қилиқларини сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Кейинги йилларда тўйлардаги исрофгарчилик ҳақида кўп гапирдик. Бироқ янгидан-янги кераксиз урф-одатларнинг кўпаяётгани кишини ташвишлантиради. Масалан, яқинда куёвжўраларнинг ўзгача қилиғи ижтимоий тармоқларда тарқалди. Икки куёвжўра ўртоғини кўтариб айланяпти, бунга изоҳ сифатида “Куёвжўралардан оқ қуш рақси” дея изоҳ берилди. Бу ҳолат эр-йигитларга хос қатъиятга, оғир-вазминликка тўғри келадими?!

Яна бир гап. Бир пайтлар келинларимиз ота уйини ташлаб кетаётганида кўзларида ёш билан уни тарқ этардилар. Бугун-чи? Айрим келинларни кузатиб, ҳайрон қоласан. Гўё уйдан кетаётганига хурсанд, кулиб ҳар ким билан суратга тушиш билан овора. Шу пайтга қадар оналаримиз ўзидағи қувончи ҳаргиз кўрсатишмаган, аёллик латофати билан ҳаё ва одобни сақлаган. Нима,


улар орасида баҳтлилар йўқмиди? Бор эди! Фақат “андиша ва орият” тушунчаси билан қувончларини пинҳона тутган.

Яна бир янги одат ҳақида тўхталсак. Охирги пайтларда келин ҳомиладор бўлгандан кейин унинг жинсини аниқлаш ҳам тантанага сабаб бўлмоқда. Баъзида “ўғил” ёки “қиз” ёзувлари билан шириналлар, шарлар ва бошқа нарсалар билан безатилган дастурхонларга кўзимиз тушяпти. Кўп қиз фарзанди бор оталар эса ҳомиланинг ўғиллигини эшитиб, элга достон қилиб, дастурхон ёзмоқда. Масаланинг нозик жиҳати, бу қиз фарзандларга нисбатан камситиш эмасми? Энг муҳими, Аллоҳ Ўзи истаган вақтида жинсни ўзгартириб қўйишини наҳотки улар билмаса?!

Бу каби одатларни балки ёшлар ўйлаб то-паётгандир. Лекин уларни қўллаб-қувватлаётган, бунга рухсат бераётганлар катталаар эмасми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларни доимо ҳаёга тарғиб қиласидилар, хусусан, аёлларни. Ҳаёсизликнинг салбий оқибатларидан огоҳлантириб: **“Нимада фаҳш бўлса, албатта, уни шарманда қиласди. Нимада ҳаё бўлса, албатта, уни зийнатлади”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Қисқаси, бундай бидъатларга қарши муросасиз туришимиз, диний-миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни асрashi миз лозим. Зоро, уларни келажак авлодга борича етказиш бурчимиздир.

**Камола АДАШБОЕВА**





Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

# Ўгай она

(Бошланиши ўтган сонда.)

Тўйни оддийгина ўтказиш таклифи келди. Фотиманинг отаси бу таклифни маъқуллаб қарши олди.

- Хотини яқинда вафот этган одам, дабдабанинг бугун ва умуман ҳожати йўқ, - дедилар.

Фотима ҳам бу таклифни ўринли деб билди. Ҳатто бундан Одилбекнинг тушунган бир инсон экани кўринарди. Ҳурматли инсон бўлмасайди, марҳум хотинининг хотирасини хаёлига ҳам келтирмасди.

\* \* \*

Йиллар бўйи инсон қўли тегмаган, парварищдан узоқ, бегона ўтлардан кўринмас ҳолга келган боғча билан исталган маҳалла ва ҳаттоки шаҳар аёллари аҳволи ўртасида катта ўхшашлик бор. Бу боғчада етишган нарсаларнинг кўпи истеъмолга яроқли маҳсулот бўлиб етишиши қийин. Боғбон тарбияси боғча учун бегона эди. Шу сабабдан ҳар ниҳол ўзича – қандай йўл топса, шундай ўсиб ётарди.

Маҳалла аёллари ҳам шундай. Кичик ёшдан қулоқлари тарбия учун бурилмаган. Фақат бетакаллуф бир турмушнинг бепарво тарзи қулоқларига қуилиби, қалбларига қадар ўрнашган.

Шу сабабдан улар ҳисларига, орзуларига тўғри келган нарсаларни ўzlари билганича, ўzlари хоҳлаганича қойиллатиб бажаришарди. Фақат ақл ва мантиқ заруратига, ахлоқ ва фазилат амрига келганда лоқайд қолишлари кўзга ташланади. Ўтириб бирорни ғийбат қилишда, чоғиштиришда,

чақимчиликда, баҳслашишда, урушишда барча маҳоратларини ишга солиб, ўртага чиқарадиганлар кўп. Аммо ўзларини бундан сақлайдиган аёллар оздир.

Аёлларнинг ҳаммасини шундай дейиш инсофдан бўлмаса керак. Улар орасида ҳам орзу-умидлари, мақсад ва туйғулари, фаолиятларини Аллоҳ ризоси учун қиласидан, иродасини ҳислари қархисига қудратли бир қўмондон каби оладиганлар бор. Гўё тасодифан ёввойи ўтлар исканжасида қолган ноёб боғ гули каби. Баъзан бу гул атрофини қичитки ўтлар қоплайди, чирмовиқлар ўрайди, тиканлар куршайди ва гулнинг ёнига яқинлашиб бўлмас ҳолатга келтиради. Лекин барибир, унинг хуш бўйи атрофга ёйилишидан, гўзал ранги йироқларга жозиба таратишидан кўз қувнайди, димоғ чоғ бўлади, жон ҳузур қиласиди.

Фотиманинг турмушга чиқишини эшитиб, табриклагани келганлар орасидаги хонимни ҳам Фотималар маҳалласининг гули дейиш мумкин. Бу хоним Фотиманинг жасоратли қарорини қутлагани ва унга бу қарорда событ қолмоқни ташвиқ қиласиди. Икки қунлик ҳузур-ҳаловат учун фазилат ва ҳақиқат йўлини тарқ этмасдан, ёлғиз қолиб мاشаққатларга дуч келса ҳам сабр этишни маслаҳат-у насиҳат қиласиди келган бу аёл хуш қаршиланишга арзигулик, яхши кутиб олинишга муносибдир.

Қалби Хаққа боғланган, ёмонлиқдан юз ўғирган инсонларда бошқаларга ўхшамаган порлоқ бир виждан бор. Хоним фазилатсизликни, файзсиз яшамоққа ташвиқни, ҳақсизликни, ҳукуқсизликни кўрганда кўл силтаб, кўз юмиб кетмайдиган, иложи бо-





рича чора топишга, тадбир қилишга киришадиган, ҳеч бўлмагандан ич-ичдан изтироб чекадиган виждан соҳибаси эди. Кўпчилик хато манзил томон ким ўзарга шошган бир даврда уларни ҳақ йўлга юришга ундашни амр этган бир виждан соҳибаси эди у. Фотиманинг эшигида бир хоним турарди. Кўринишида сокинлиқдан бошқа нарсани ифода этмаган, самимиятдан бошқа нарса ўқилмаган чехрасидан қалбига боқсангиз вулқонлар оташли, уммонлар каби безовта бир оламнинг акс этганини кўришингиз мумкин.

Эшик очилди. Қирқقا яқинлашган, ўртадан баланд, узунга яқин бўйли, бошини шарф билан яхшилаб ўраган бир аёл кўринди. Ҳеч қачон келмаган, бир узоқ кўшни ташриф буюрди. Фотима ҳар куни бир неча меҳмонлар келишига одатланганини ва уларнинг келиш сабабини билгани учун уйига илк бор меҳмон бўлиб келган узоқ кўшнининг ташрифидан ҳайрон бўлмади, уни бегоналардек қаршиламади.

Меҳмон хонимда ҳар кун келадиганларда учрамаган бир хусусият кўзга ташланиб турарди. Ҳаракатларида, туришидаёқ рўпарасидаги одамни хурмат билан муомала қилишга мажбур этадиган виқор ва жиддият сезиларди. Бир қаҳва ичгунча қанча “захмат чеккани”ни такрорлайдиган ёки минг турда ғийбат қиладиганлардан эмаслиги билиниб турарди. Аёл жимгина қаҳва ичди, ташаккур айтди, Аллоҳ зиёда қилсин, дея дуо қилди.

Сўнг Фотиманинг турмушга чиқиши ҳақидаги қароридан жуда мамнунлигини айтиб, табриклиди. Бу ҳақда суҳбатлашиш мумкин бўлган биронта меҳмон келишига умид қилмаган Фотима шошиб қолгандай бўлди. Меҳмон хоним давом этди: «Фақат, қизим, инсонлик шарафи хайрли қарор қабул қилишдагина эмас, балки турли азијатлар қаршисида қабул қилинган қарорда сабр билан давом эта билмоқдадир. Бу гўдакларга берадиган ҳар бир луқма таоминг,

айтадиган ҳар сўзинг Аллоҳ хузурида зое кетмаслигини, қийматли бўлишини унумта. Уларга қиладиган ҳар яхшилигинг Пайғамбарингга қилинган яхшилик эканини ёдингда тут. Билурсанки, у зот ҳам туғилмаслариданоқ оталаридан, олти ёшларида онадан етим қолдилар. Етимларнинг кўз ёшларини сенинг меҳр-шафқатинг тўхтатса, сендан баҳтли одам йўқдир. Ҳа, бу йўлда анча заҳмат ва азият чекасан. Сабр этсанг, бу заҳматлар эртага раҳмат бўлиб қаршишгдан чиқади. Пешона терини тўкиб инсонлигини исбот этганини, Пайғамбари ҳурматига етимларга кўз-қулоқ бўлганни Аллоҳ кўз кўрмаган неъматлар билан сийлайди. Уларга оналари йўқлигини “Фотима яхши аёл экан” дейишлари учун эмас, Аллоҳ рози бўлиши учун сездирмасликка кириш».

Фотима қабул қилган қарори учун шу кунга қадар илк маротаба қутланаётганини тушунди. Ўларига илк бор келган бу хонимнинг сўzlари риёдан йироқ, ғоят самимий эди. Кетаётгандан ҳалигача танишиб суҳбатлашмаганидан хижолат бўлиб кўлини ўпаркан, хонимдан дуо қилишини сўради, бу хил насиҳатларни кутганини билдириди.

Кўк юзидағи булатларни шамол атрофга тарқатгани каби инсоний вазифасини ижро зтгач, вазмин қадамлар билан уйига йўналган бу хонимнинг орқасидан ердаги чанг-тўзонларни кўкка совурадиган бир шамол турди. Бир онда одам-одамни танимайдиган ҳолат вужудга келди. У тўзон ва қуюн ичра сокинлик билан одимлаётгани кўзга ташланиб турарди. Бу манзара Фотимага ботилнинг келиб-кетиши чанг-тўзон каби эканини, фақат Ҳақ қудратли ва боқий бўлиб қолаверишини эслатди.

\* \* \*

(Давоми келгуси сонда.)

**Йўлдош ЭШБЕК** таржимаси



Миссионерлик – инсонларнинг нозик туйғуси – эътиқодини ўзгартиришга уринувчи, жамиятни парокандалилкка олиб келувчи бузғунчи ҳаракат. Унинг тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалиб, мақсади – масиҳийликни ёйишдан иборатлиги барчага аён. Бироқ бугунги кунга келиб миссионерлик доираси хийла кенгайди, эндилиқда ушбу атама айтилганда фақат масиҳийчилар эмас, буддавийлар, кришначилар ва бошқа конфессиялар тарғибот-

Миссионерлар нишонни аниқ олишганди. Шубҳасиз, Ислом дини ҳақида етарли тушунчаси йўқлиги, миссионерлик билан шуғулланувчи кучларнинг ғаразли қиммешлари хусусида етарли маълумотта эга эмаслиги қизни уларнинг тузофига туширганди. Маълум бўлишича, масиҳийликка даъват қилувчилар аксаран аралаш миллат вакилларидан иборат оиласларнинг аъзолари, ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, хасталикка, жудоликка, моддий қийинчиликка

## ЭЪТИҚОДГА ТАЖОВУЗ

чилари ҳам тушунилади. Ушбу ташвиқотчилар кўп йиллардан бўён юртимизда ҳам гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора фаолият олиб бормоқда. Афсус, юртдошларимиз орасида уларнинг таъсирига тушиб, ўз эътиқодидан воз кечганлар ҳам йўқ эмас.

Илгарироқ шундай ҳолатлардан бирига гувоҳ бўлгандим. Жамоамизда ёши ўтинқираган бир қиз ишларди. У нафақат турмушда ўз жуфтини тополмаган, балки одамлар орасида ҳам ёлғиз эди. Қобиғига ўралиб олиб, аллақандай муаммолар ичидаги яшар, ҳамкаслардан имкон қадар ўзини узоқроқ тутарди. Тажангроқ, ўзгравчан феъл эгасилиги сезилиб турарди. Аёнки, моддий етишмовчилик, биқиқлик уни шу ахволга солганди. Ажабки, қизнинг муомаласида ўзгариш кузатилиб, ҳамма билан мулойим гаплашадиган бўлиб қолди. Сабаби тезда аён бўлди. Унинг хонасига кирган одам шкафга миссионерликка тарғиб қилувчи китоблари териб қўйилганига қўзи тушар, ўзи эса уларда “жаннатга элтиш” йўли кўрсатилганини тушунтирмоқчи бўларди. Қарши фикр билдирганларга қандайдир “далиллар” келтиради... Тушундикки, аросатда юрган қиз ғайридин тарғиботчиларнинг алдovinga учган.

дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишилар ўртасида тарғиботни кучайтиаркан. Шунингдек, кар-соқовлар, умуман, ногиронларни ўз ўлжасига айлантириш мақсадида фаол иш олиб боришлиари ҳам кузатилган. Бундай тарғиботга эргашаётгандар орасида, кам бўлса-да, келиб чиқиши мусулмон бўлган фуқароларнинг борлиги ғоятда ачинарлидир.

Яқинда бир танишим дардини ёриб қолди. Унинг ёши олтмишга яқинлашиб қолган қайнопаси бўлиб, фарзандсизлик важидан бир неча марта оила қуриб ажрашган экан. Беш-олти йил бурун ўзидан бир-икки ёш катта инсонга турмушга чиқибди. Улар Мехрибонлик уйидан бола асрраб олишибди. Муаммо шундаки, асли мусулмон бўлган эр бир пайтлар миссионерлар таъсирида эътиқодини ўзгартирган экан, хотинини ҳам ортидан эргаштирибди. Энг ёмони, тарбияга олинган бола ҳам шу муҳитда бошқа дин вакили бўлиб вояга етиши муқаррар. Танишим оиласий борди-келдиларда уларнинг одатларидан ноқулай ҳолатга тушаётганини, қариндошликини узишга мажбур бўлаётганини куюниб гапириб берди.



Таниқли ёзувчи Сайд Аҳмаднинг “Қоракўз Мажнун” ҳикоясида насроний динини қабул қилган ўзбек эркагининг фожиаси кўрсатилган. Со-биқ тузум даврида ҳарбий хизматга кетган Бўри деган йигит хизмат муддати тугаса-да, уйига қайтмайди, узоқ йиллар давомида қорасини кўрсатмайди. Онаси фарзанди йўлига кўз тикади. Кўп йилдан сўнг қаримсиқ, оғзидан ароқ ҳиди анқиган эркак киши эшиқдан кириб келади. Кекса она ўғлининг руҳиятидаги бегоналикни сезса-да, “Болам!” деб бағрига босади. Меҳмонлар тарқалиб, ўғил уйқуга кетганда ҳаммаси аёнлашади. Кампир унинг устини ёпиб қўймоқчи бўлганда тумалари ечилиб қолган кўйлаги тагида осилиб турган хочга кўзи тушади. Маълум бўладики, йигит ёт ўлкаларда насроний попнинг қизига уйланиб, унинг динига кирган ва черковда ишлаб юрган. Икки олов орасида қолган она ноилож ўғлидан воз кечади...

Аёнки, Исломдан қайтиб, бошқа динга кириш энг оғир гуноҳ ҳисобланиб, бундай кимса “муртад” деб аталади. Аллоҳ таоло: «**Сизлардан ким диндан қайтиб, коғир ҳолида ўлиб кетса, ана ўшалар дунё-ю охиратда амали ҳабата (бехуда) бўлганлардир. Ана ўшалар дўзах аҳлидир. Улар унда мангуб қолувчидир**», деган (*Бақара сураси, 217-оят*). Ушбу ояти карима Аллоҳ таоло ширкни асло кечирмаслигига далилдир. «Ҳабата» сўзи, аслида, бирор ҳайвоннинг кўп овқат еганидан қорни шишиб ёрилиб ўлгани ҳолатини англатади. Диндан қайтган муртаднинг савобли амаллари ҳам мусулмонликни тарқ этгани учун ҳавога учади. У нафақат тўплаган савоб-ажрларини бой беради, балки энг оғир гуноҳни содир этгани боис охиратда Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлади, унга ҳеч қандай нажот йўли қолмайди.

Ҳақиқий иймон эгаси ўз эътиқодида сабит бўлиши шарт. Ақида масаласида адашиш кишини дунёю охиратда ҳалокатга дучор қиласади. Шундай экан, миссионерларнинг тузоғидан ўзимизни ва яқинларимизни ҳамиша узоқ тутишимиз керак. Айни шу синовга дуч келаётганлар эса унинг оқибати ҳақида атрофлича ўйлаб қўришлари зарур. Ҳатто адашганлар ҳам вақт борида тавба қилсалар, ўзларини ҳалокатдан қутқарган бўладилар.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

## Моҳи Рамазон келди!

Заминга таратиб гулнинг totини,  
Жаннат-ла шарафлаб инсон зотини,  
Қўлидан етаклаб шафқат отини,  
Моҳи Рамазон келди!

Дилларни қоплади ажиб сакинат,  
Нафслар қулфланди, ғолиб матонат,  
Ёронлар, ҳис қилинг, ахир ғанимат,  
Моҳи Рамазон келди!

Хира тортди афсонаю эртаклар,  
Четга чиқсин кўнгилочар эрмаклар,  
Соме бўлинг аёллару эркаклар,  
Моҳи Рамазон келди!

Кечалар бурканди илоҳий нурга,  
Юлдузлар айланди жавоҳир, дурга,  
Осмон ҳам энгашди тўлиб сууруга,  
Моҳи Рамазон келди!

Етмиш минг фаришта зар қанотини,  
Ёйиб айтар тинмай салавотини,  
Бағишлиб Қуръоннинг тиловатини,  
Моҳи Рамазон келди.

Аzon янграр гўё ой ўроғидан,  
Фарзандлар турмайин хоб ётоғидан,  
Ўпид-ла уйғотинг гул ёноғидан,  
Моҳи Рамазон келди!

**Абдулҳафиз ОРТИҚОВ,**  
*Бувайда тумани*





Даврада ўн беш нафар аёл эдик. Суҳбатимиз маҳр мавзусига келиб тақалди. Дугоналаримиздан фақат бир нафари маҳрига нима олишни ўзи танлаб, қимматбаҳо тақинчоқни мулк қилиб олган экан.

Аёллардан яна бирининг айтишича, куёв келинга таққан никоҳ узугини маҳр деган. Яна бирининг эр томони келин бўлиб тушаётган бир уй, бир даҳлизни маҳрга бердик, дейишган. Бироқ ўн беш йилдан бери ўзининг маҳрига берилган хонанинг бирида икки боласи билан эрдан ажраган қайнинглиси яшар, икки хона бир-бирига уйқаш бўлгани учун иккинчисида ҳам эркин нафас ололмас эмиш.

Бир неча аёл ўша пайтда ёш, ҳаяжонда бўлганини айта туриб, аттанг қилди. Маҳрга нима аташганини ҳам эслай олмас экан. Эҳтимол, нимадир айтилгандир, бироқ

лон жойдаги З сотих ҳовли, уч хона уй”, деб жавоб берган. Келин бу гапни эслаб қолган.

Орадан бир неча йил ўтиб, алоҳида кўчиб чиққан ёш оила моддий жиҳатдан қийинчиликка учрайди. Келин маҳрига аталган ҳовлини эслайди. Ёшлар қайнона-қайнотага бор гапни айтишганида катталар бу гапларга жаҳл қилиб: “Келин уялмайдими?! Маҳри ўрнига бошқа уйжой қилдиларинг-ку!” қабилида жавоб қайтаришади. Боз устига, ўша ернинг уч хонали уй қурилган қисми қайнаканинг номига расмийлаштирилган бўлиб чиқади. Бир қанча гап-сўзлардан кейин бўш турган қисми ёшларга топширилиб, сотиша рухсат берилади. Лекин пулнинг ярмидан кўпини қайнота олиб қўяди.


Табиийки, арзимаган пул уларнинг моддий эҳтиёжини ҳам қопламайди. Лекин маҳр эгасига топширилган бўлиб қолади. Бу воқеаларни эслар экан, келин умри мобайнида бир неча бор моддий қийинчиликка дуч келиб: “Маҳрим қўлимда бўлганида ишлатардим”, деб ўқинганини ва ўз ҳақини, албатта, қиёматда ундиришга аҳд қилганини айтди.

Бу воқеадан кейин кўплаб танишлардан маҳр ҳақида сўрадим ва ҳаммасидан юқоридаги сингари жавоблар олдим. Афсуски, кейинги пайтда маҳр нималигини унутиб қўйган эканмиз.

Куръони каримда маҳр ҳақида бундай марҳамат қилинади: “Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз! Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қиласеринглар” (*Niso сураси 4-оят*). Ушбу оят аёлларга маҳрни мамнуният билан берилиши кераклигини таъкидламоқда. Куръони каримнинг яна тўрт оятида маҳр бериш эрга вожиб экани қайд этилган. Демак, бу масала-га жиддий қараш, уни ўрнида адо этиш нафақат бўлғуси келин-куёвлар, балки барча ота-оналар олдида турган муҳим вазифадир.

**Гавҳар НАСРУЛЛОҲ,**  
журналист

## Маҳриниз нима эди?



тўйдан кейин ҳеч ким унга мана шу нарса сенинг маҳринг эди, демаган.

Яна бир аёлнинг ҳикояси антиқа бўлди. У билан ҳам ҳеч ким никоҳгача маҳр ҳақида гаплашмаган. Фақат никоҳ ўқилаётган маҳал домланинг “Маҳрга нима аталди?” деган сўроғига жавобан куёв тараф: “Фа-

# Гұноҳларға кағфорат амал

Холдона хола ҳар куни қишлоқ күчалари, далалари, дарё бүйларидаги шох-шаббаларни териб үйига қайтади. Күчадаги тошми, темир-терсакми – хуллас, кишига зиён етказадиган нарса бўлса, бир четга олиб қўяди. Холанинг бу ишидан хижолат чеккан яқинлари: “Ўтин теришни йиғиширинг, қўни-қўшни, маҳалла-кўй гапирияпти”, дея неча гапирсалар ҳам қулоғига олмайди. “Одамлар билан ишим йўқ, нима деса, деяверишсин!” дерди-да, айтганидан қолмасди.

Қиши кунлари маҳаллада бирор кишининг ўтини тугаб қолса, дарҳол Холдона холаникига келади. Беминнат ўтин қиши кунлари қўни-қўшнининг жонига оро киради. Одамлар холага пул-мул узатса-да, олмайди: “Кўшнига ҳам пулга сотадими? Дуо қилинг, шунинг ўзи кифоя”, деб қўяди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Холдона хола ҳам бу дунёдан риҳлат қилди. Энди маҳалламиз кўчалари шох-шаббаларга, турли темир-терсак ёки чиқиндиларга тўлган.

Бугун Холдона хола каби қўнглига эзгуликни туккан олийжаноб кишилар кам. Аксарият одамлар кўча ўртасида ётган тошми ё бирор хасми, четга олиб қўйишга ор қилади. Кўрса-да, кўрмагандай ўтиб кетаверади. Бу ҳам майли, чиқиндиларни-да кўчаларга, тўғри келган жойга улоқтиришади. Шундан бўлса керак, кўча бўйлари, ариқлар, дараҳт тагларida майший чиқиндилар тўпланиб ётганига кўзимиз тушади. Табиатни ифлослантириш оғир оқибатларга олиб келади. Унинг ҳам бизга жавоби шу тарзда бўлиши мумкин. Буни сўнгги йиллардаги табиат инжиқликлари ҳам исбот этаётгандек.

Атроф-муҳитга қилаётган бундай муносабатларимиз на динимизга, на миллий қадриятларимизга тўғри келмайди.



Ота-боболаримиз қадимдан ўтирган уйини, маҳалласини озода тутиб, кўкаламзорлаштириш пайдан бўлган. Афуски, бундай қадриятларимиз унут бўлаётгандек гўё.

Ислом поклик динидир. У доим озодаликка, саранжом-саришталикка чақиради. Нафақат уйларни, балки кўчаларни-да тоза тушишга ундейди.

Абу Барза Асламий розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади: «У киши: “Ё Расулуллоҳ, мени менга манфаат келтирадиган амалга далолат қилинг”, деди. У зот: **“Мусулмонлар йўлидаги азият берувчи нарсаларни олиб ташла”, дедилар»** (Имом Ибн Можа ривояти).

Абу Хурайра розийаллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Бир киши кўча юзида ётган дараҳт шохи ёнидан ўтиб қолди ва: “Аллоҳга қасам, буни мусулмонларга азият бермаслиги учун олиб ташлайман”, деди. У шу иши туфайли жаннатга киритилди»** (Имом Муслим ривояти).

Демак, яшаб турган гўшани тоза-озода сақлаш, кўча-кўйдаги кишиларга озор етказадиган нарсаларни бир четга олиб қўйиш ҳам фазилат. Шу билан бирга, улуғ ажр-савоб ҳамдир. Буни ўзимиз ҳам тўғри англаб, ўсиб-улғайиб келаётган ўғил-қизларимизга сингдирсак, табиатни-да, ўзимизни-да асраран, савоб амалларимизни янада кўпайтирган бўламиз.

Дилмурод СОДИКОВ



# Баракали таом тайёrlаш

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳар бирингиз мутасаддисиз, ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз. Ҳар бир раҳбар инсонлар устидан мутасаддидир ва улар учун масъулдир. Эр ўз аҳли аёли ва қўл остидагилар устидан мутасаддидир ва улар учун масъулдир. Хотин эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидагилар учун масъулдир...”** (Имом Бухорий ривояти), деб огоҳлантирганлар.

Ушбу ҳадисда аёл кишининг оиласида ги вазифалари, мажбуриятлари, охиратда сураладиган нарсалари кўрсатиб ўтилган.

Мўмина аёл учун бекалик улкан шараф бўлиши билан бирга масъулият ҳамdir. Рўзгор юмушларини тартиб билан бажариш аёл учун масъулиятли вазифадир. Хусусан, фарзандлар луқмасига эътибор қаратиш ота ва она зиммасидаги бурчдир. Чунки амалларнинг қабул бўлиши, фарзандларнинг салоҳияти, оиласинг фаровонлиги айнан луқманинг ҳалол, касбу корнинг шариат қўрсатмаларига мувофиқ бўлишига боғлиқ.

Таом тайёrlаш жараёнида муслималаримиз шайтоннинг насибаси узилиши учун таҳоратли ҳолда “Бисмиллаҳ”ни ай-

тиб, Қуръон сураларини хуфя тиловат қилиб ёки зикр қилиб турсалар, нур устига нур бўлади.

1. Кавсар сураси 3 мартадан тиловат қилиниб тайёрланган таом тўйимли бўлади.

2. Ихлос сураси тиловат қилинса, у таомдан еганлар динга ихлосли бўлади.

3. Салавотлар айтиса, таом баракали бўлади, иншоаллоҳ.

Мазали таом тайёrlаш ҳам аёл киши учун фазилатdir. Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафия онамиз розийаллоҳу анҳонинг таомлари лаззатли бўлишини айтганлар.

Бир қарашда оддий туюлган уйрўзфор ишлари ҳам аёлдан тақводорликни, гўзал ижтимоий-ахлоқий фазилатларни талаб этади. Чунки аёл тарбиячидир. Унинг ўзи тарбияли бўлиши лозим. Тарбиячи эса ён-атрофга, фарзандларининг тақдирига, хулқига бефарқ бўлолмайди, у фаоллик кўрсатиб, бошқаларга сўзи, ўгити, амаллари билан намуна бўлиши зарур

**Одина ИСМАТУЛЛАЕВА,**  
**“Хадича Кубро” аёл-қизлар**  
**ўрта маҳсус ислом таълим муассасаси**  
**3-босқич талабаси**